# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

45 сон
8 — 14 ноябр
2007 йил




## УСТОЗ МЕҲРИДАН НУР ОЛИБ...

***Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 38-сон ихтисослашган мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси Манзура Рахимова узоқ йиллардан бери шу даргоҳда болаларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Устознинг биринчи ўқувчилари бу йил 33 ёшга киришди.***

-Биринчи ўқувчиларимни кечагидек эслайман: Абдуллаева Шаҳло, Маткаримов Шуҳрат, Ҳасанова Дилором- синфда энг интизомли, аълочи ўқувчиларимдан эдилар,-дейди муаллима собиқ ўқувчиларини бир-бир тилга олиб.

Ҳа, болаларни жон-дилдан севган инсон, уларга астойдил сабоқ беришга, кичкинтойлар қувончига шерик бўлишга қодир. Юрагингизда меҳр-муҳаббат бўлмас экан, сиз ҳеч қачон ўзингиздан, ташвиш ва юмушларингиздан ортиб, бировнинг боласига меҳрибонлик қила олмайсиз. Шунинг учун барча эзгуликларнинг пойдевори бу меҳр-муҳаббатдир, дея кўп такрорлаймиз. Бола қалби эса гулдек нозик, етарлича эътибор берилмадими, мурғак қалбларга озор етиши ҳеч гап эмас.

Эсимда, синфдошлар 20 йилдан сўнг учрашадиган бўлдик. Учрашувга бир неча устозларни ҳам таклиф қилдик. Синфдошларимиздан бири гап орасида: “Устоз, эсингиздами,-“Сен ҳеч қачон одам бўлмайсан, қоровулликдан бошқасига ярамайсан”,- деган эдингиз. Ҳозир қўлимда ўнта қоровул бор”,-деди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Устозимиз ҳам ноқулай вазиятга тушди. Кимдир синфдошга танбеҳ берди, яна кимдир устоздан узр сўради. Хуллас, 20 йилдан кейин ҳам ҳеч нарса унутилмас экан. Вазиятдан чиқиш учун собиқ синфком: “Эй аҳмоқ, агар устоз сенга ўз вақтида танбеҳ бермаганда бу кунингни топмас эдинг”,-деди. Эҳтимол, айни ҳақиқат шудир. Лекин ҳар ҳолда сир эмас, айрим муаллимларнинг оғзига келганча ўқувчиларни ҳақоратлашлари, сўкишларининг кўп гувоҳи бўлганмиз.

Ҳа, мавзудан четлашмайлик, Манзура опа дарс жараёнида болажонларнинг ҳар бир саволига эринмасдан жавоб қайтаради. Ҳамма нарсага қизиқувчан болалар эса бири қўйиб, бири савол бераверади, устозни холи-жонига қўйишмайди. Уларнинг “чуғур-чуғури”ига ўрганиб қолган опа эса бажонидил, ётиғи билан гапиради. Чунки, дунёни эндигина таний бошлаган болакайдан яна нима кутиш мумкин. Бу опанинг фикри.

Устоз бугун дарс беришнинг интерактив усулидан самарали фойдаланмоқда. Бу усулнинг моҳияти шундаки, ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, ўзаро баҳслашадилар. Баҳсларда уларнинг билимлари ошади, бири билмаганни иккинчиси тўлдиришга ошиқади. Тўғри жавобни фақат ўзлари топишга ҳаракат қилишади. Бу жараён болани фикрлашга, фикрини эркин ифодалашга даъват қилмоқда. Машғулотлардан кейинги рағбатлантириш муҳим. Айниқса, “Олтин тож” ўйинларининг ўтказилиши болажонларнинг қобилиятларини юзага чиқаришда катта аҳамиятга эга бўляпти. Ахир ғолибликни қўлга киритиш кимга ёқмайди, дейсиз. Ўқувчилар ҳар хил ўйинлар асосида ўтказилаётган дарс давомида олам-олам маълумотларга, билимларга эга бўладилар. Натижада болаларнинг фаоллиги ошиб, мустақилликка ўрганади, фикрни баён қилишга рағбат топади.

- Олий тоифали ўқитувчи Манзурахон Рахимова ўз касбини астойдил севадиган тажрибали педагоглардан ҳисобланади,- дейди мактаб директори Бекпошша опа Жуманиёзова. - Ўз устида тинмай ишлайди, янгиликларни тезда ўзлаштиради. Фаол ва самарали услублардан ўз вақтида фойдаланмоқда. Шунинг учун ҳам устоз жамоада ҳурмат ва эътиборга муносиб. Унинг синфи доимо ибратли, намунали синфлардан саналади.

Дарвоқе, ушбу мактаб нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ўз нуфузи ва обрўсига эга. М. Рахимова ўз ўрнида ёш педагогларга ҳам устозлик қилмоқда. Унинг шогирдлари Барно Маткаримова, Дилрабо Исмоилова устоздан кўп ва хўп ўрганишяпти.

Газетхон қаҳрамонимизнинг оиласига ҳам қизиқиши табиий. Манзура опанинг уч фарзанди, 4 невараси бор. Турмуш ўртоғи Ботир ака вафотидан сўнг у фарзандларини оқ ювиб, оқ таради, бутун меҳр-муҳаббатини болаларга бағишлади. Мана бугун катта ўғли Муродбек ҳарбий, қизи Маъмура нотариус, кичик ўғли Ҳамидбек коллеж талабаси.

Устоз меҳр-муҳаббатидан, букилмас иродаси-ю, сабр-матонатидан қувват олиб камол топаётган болажонлар эртага уни алоҳида меҳр билан, ҳурмат ва эҳтиром билан эсга олишларига ишонамиз.

**Дилбар БЕКЖОНОВА**

## ТАРБИЯ УЛУҒ ИШ



Зарафшон тиббиёт коллежига кириб бораркансиз райхонларнинг жозибали ифоридан бошингиз айланади. Бино ичкарисида эса яна меҳр билан парваришланаётган хонаки гуллар пешвоз чиқади. Беихтиёр, Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ушбу сатрлари ёдга тушади. “Тарбия улуғ иш, одоб уруғини эккан одамнинг ҳосили жавоҳир бўлади”... Талабаларнинг ўзини тутиши, одоби, гулга бурканган коридор ва синф хоналарининг орастилиги кўзни қувонтиради, дилга завқ бағишлайди. Илм масканининг ташаббускор ва фидойи раҳбари Эсонжон Мухаммадов билан ёшлар маънавияти, қизиқишлари ва албатта тарбия хусусида суҳбатлашдик.

Ҳар бир ўсмирнинг хулқ-атвори, қизиқиши, қобилияти, интилиши турлича,-дейди коллеж директори. Устоз ўқувчисининг дунёқараши, қизиқиш доирасини қанчалик чуқур, собитлик билан кузатса олдига қўйган мақсадига шунчалик тез эришади.

Таълим жараёнида давлат стандартларининг жорий этилиши, рейтинг тизими ўқув ишларининг асосини ташкил қилиши, ўқув жараёни дарсликлар, қўлланма ва маъруза матнлари билан таъминланиши ижобий натижалар беряпти. Коллежимиз 1993 йилда ташкил этилган. Мустақилликнинг 16 йиллиги арафасида мана шу замонавий, гўзал бинога кўчиб ўтдик. Даволаш, ҳамширалик иши, ортопедия-стоматология факультетларимизда 1300 талаба таҳсил олади. Томди, Конимех, Учқудуқ шаҳридан ҳам 9-синфни битирган илмга чанқоқ ўсмирларни ўқишга қабул қиламиз. Ўқув лабораториямизга кирсангиз, ҳайратга тушасиз: энг замонавий тиббий асбоблар, аппаратларнинг барчаси муҳайё. Коллежимизда талабалар илмий-амалий анжуманлари, турли кўрик-танлов ва спорт мусобақалари мунтазам ўтказилади.

**- Талабаларингизнинг асосий қисми қизлар. Уларни оилага тайёрлашда умуман тарбилашда кўпроқ қайси омилларга таяниш керак?**

- Қиз бола гулдан нозик, тарбияси ундан нозик, дейди доно халқимиз. Фақат оилада эмас, таълим масканларида ҳам уларни гўзаллик, нафосат ва меҳнат асосида улғайтириш, айниқса меҳнатга нисбатан кўникма, ҳурмат ҳосил қилишга уринишимиз зарур. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда тез-тез тадбирлар, савол-жавоб кечалари ўтказиб турамиз. масалан, 3-босқич талабаси Гулноза Шаропова Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод, энг фаол қизларимиздан. Куни-кеча шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси З. Жўраева, шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Қ. Ахмедовлар иштирокида Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағишлаб “Оила-жамият таянчи” мавзусида очиқ мулоқот ўтказдик. Талабаларимиз ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олишди. Мақсадимиз-талабаларни мустақил фикрлашга ўргатишдир. Зоир Одинаев, Роҳила Шукурова, Саодат Намозова, Юлдуз Ярашева, Моҳира Болтаева каби фидойи устоз- мураббийларимиз, ота-оналар кўмагида фарзанд тарбиясига таалуқли ҳар қандай муаммони ҳал қилишади.

**- Инсон камолотида оиланинг ўрни беқиёс, дейишади...**

- Албатта. “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган мақол бежиз айтилмаган. Бизнинг ўқувчиларимиз ҳам оиладаги муҳит таъсирида камол топади. Ўзи мустақил оилали бўлганида ҳам ота уйида кўрганлари, ўрганганларига умр бўйи содиқ қолади. Менинг 11 фарзандни тарбиялаб ўстирган 73 ёшли пиру-бадавлат онажоним Саломатхон ая доимо,- “Оиланг тинч, кўнглинг хотиржам бўлсин, кенг феъл, кетмас давлат, ўлмас фарзанд берсин”, деб дуо қиладилар. Турмуш ўртоғим Рўзихон билан Андижон Давлат тиббиёт институтида бирга ўқиганмиз. Фарғоналик қиз навоийликларнинг урф-одатларига кўникиб, намунали оила бекаси бўлишида онамнинг хизматлари катта. Тўнғичимиз Умидахон инглиз тили ўқитувчиси. 2 фарзандини меҳр билан тарбиялаяпти. Алишеримиз талаба. Бобуржон мактаб ўқувчиси. Рўзихон иккаламиз доимо эл хизматидамиз, шогирдларимизнинг, фарзандларимизнинг комил инсонлар бўлишларини орзу қиламиз. Ватанга муносиб ворислар тайёрлаётганимиздан бахтиёрмиз.

**Хулкар ҲАМРОЕВА суҳбатлашди.**

*Қонун ва биз*

# ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ ВА ВАСИЯТНОМА

***Муқаддас ҳадисларда ёши бир жойга бориб қолган кишининг ворислари ўртасида низо чиқмаслиги учун мерос қолдириладиган мулклар тақдири ҳақида қайғуриш маслаҳат қилинган. Муносиб меросхўрлар ҳеч қачон ота-онасининг ёки бошқа мерос қолдирувчиларнинг руҳини безовта қилмайди. Лекин ноинсоф меросхўрлар “ота гўри қозихона” қилмаслиги учун қандай йўл тутмоқ керак?***

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг бешинчи бўлимида ворислик тўғрисидаги умумий қоидалар белгилаб берилган. Бунга биноан ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Васият мавжуд бўлмаган ёхуд у бутун мероснинг тақдирини белгилаб бермаган ҳолларда, қонун бўйича ворислик амалга оширилади. Шунингдек, Фуқаролик Кодексида белгиланган бошқа ҳоллар ҳам мавжуд.

Фуқаро вафот этган тақдирда ўзига тегишли молмулкини ёки бу мол-мулкка тегишли ҳуқуқини тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига мерос қолдириш ҳақида васият қилиши мумкин. Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Агар васиятномадан бошқа ҳоллар келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига қонун бўйича меросхўрни меросдан маҳрум этиш, жорий этилмайди. Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома ҳам тузишга ҳақли. Шунингдек, у васият қилаётган пайтда ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузиш ҳам мумкин. Агар, мерос очилган пайтга келиб, бундай молмулк унга тегишли бўлиб қолса, васиятнома ҳақиқий ҳисобланади. Суд амалиётида мерос қолдирувчининг эри ёки хотинига тегишли бўлган мулклар, бошқа шахсларнинг ҳиссаси бўлган мулклар васият қилиб қолдирилганда васиятнома қисман ҳақиқий эмас деб топилган ҳолатлар жуда кўплаб учрайди.

Васият қилувчи васиятномада кўрсатилган меросхўр мерос олгунига қадар вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги ёки ундан воз кечиши ёхуд нолойиқ меросхўр сифатида қонунда кўзда тутилган тартибда мерос олишдан четлаштирилиши эҳтимолини, шунингдек васиятнома бўйича меросхўр мерос қолдирувчининг қонуний шартларини бажармаслиги эҳтимолини назарда тутган ҳолда бошқа меросхўрни (ворисдан кейинги ворисни) тайинлаши мумкин. Мол-мулкнинг васият қилинмаган қисми қонун бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши, нотариал тарзда ёки бошқа белгиланган тартибда тасдиқланиши лозим. Васият қилувчининг хоҳишига кўра нотариус васиятномани унинг мазмуни билан танишиб чиқмасдан ҳам тасдиқлаши мумкин. Бундай васиятнома маҳфий васиятнома, деб аталади. Махфий васиятномани васият қилувчи ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши шарт. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланади. Гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини ва доимий турар жойларини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу ҳатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқлаш устхати ёзиб қўяди.

Васият қилувчи истаган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёҳуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васият тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга, тўлдиришга ҳақли. Васиятнома сир сақланади. Тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий бўлмайди. Мерос қолдирувчи васият бўйича ворис тайинланмаган ҳолларда мерос қолдирилган мулкка қонун бўйича меросхўрлар эгалик қиладилар. Булар мерос қолдирувчининг яқин қариндошлари, қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз шахслардир.

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёҳуд уларнинг ҳаётига суиқасд қилган, мерос қолирувчининг охирги хоҳиш-иродаси амалга оширишига тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чиқарилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки яқин шахсларига тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмасдирлар. Жумладан, фуқаро М.нинг 7 нафар фарзандлари бор. Улардан 6 нафарини уйжойли, оилалик қилиб, ёнида қолган кичик ўғлига ўзининг турар жойини ва енгил автомашинасини васият қилиб қолдирган. Ворисининг акалари уларга мархум отаси ҳеч қандай мерос қолдирмаганидан жаҳллари чиқиб, мерос жойни эгаллаб олганлар. Суд васиятда кўрсатилган меросхўрнинг даъвосига асосан мерос жойни ва автомашинани васият бўйича меросхўрга олиб берди. Яна бир мисол, фуқаро С. марҳум турмуш ўртоғи билан никоҳ даврида қурган турар жойни иккинчи никоҳидаги хотинига васият қилган. Мерос қолдирувчининг фарзанди даъво аризасига билан судга мурожаат этган. Низоли иш судда кўриб чиқилиб, васиятнома никоҳда бўлган эр-хотин биргаликда орттирган мол-мулкининг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қилинмаслиги сабабли бу васиятнома қисман ҳақиқий эмас, деб топилди ва мерос жой тегишли тартибда васият ва қонун бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланди.

Кўриниб турибдики, муносиб ворис танлаш ва айниқса муносиб ворис бўла билиш ҳам иймонлилик белгиларидан биридир.

**З. ҚУРБОНОВ**
**Хоразм вилояти, Шовот туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди раиси.**

# ҲАР САТРИ - САБОҚ

*Обуна—2008*

Сурхондарё вилоят Қўғирчоқ театри жамоаси ҳар йили турли нашрларга обуна бўлади. Бизнинг жамоада айниқса, “Оила ва жамият” газетасига қизиқувчилар талайгина. Яқинда улар билан шу газета тўғрисида фикр алмашиб олдик. Мана, улар нима дейишди...

**Тўра ҚОБИЛОВ - Театр адабий бўлими мудири:**

- Менга бу газетанинг услуби ёқади. Тили равон, силлиқ ҳамда жозибали. Қаранг, юракни ўртаб турувчи дардлар ҳақида ҳам, оламга арзигулик қувончлар тўғрисида ҳам бирдай вазминлик, холисона самимият билан ёзади. Газетачиликда бу муҳим саналади. Шу жиҳати билан “Оила ва жамият” ўқиса арзийдиган, фойдали газета. Нимаси фойдали экан дейсизми? Ахир шу газета мукаммал тарзда оила ҳаёти, эр-хотин, қайнона-келин муносабатларини жуда яхши ёритади-да. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган бола тарбияси билан боғлиқ мақолалар, маслаҳат ҳамда тавсиялар, аёл саломатлигини асраш ҳақидаги жўяли фикрлар, турмуш, оила сабоқларидан баҳс этувчи чиқишлар ҳар бир киши учун керак ва қимматли деб ҳисоблайман. Бундай мақолаларни бефарқ ўқиб бўлмайди, ахир! Шахсан мен газетанинг “Болалар бурчагини” синчиклаб ўқиб бораман. Нега дейсизми? Йўқ, шу ёшимда болалар руҳиятига, дунёқарашига оид кўп нарсаларни билмайман десам, уят бўлар-ов... Лекин биласиз, кейинги йилларда мен болалар учун кўп нарсаларни ёзаяпман. Бу борада менга “Оила ва жамият” жуда яхши маслаҳатчи бўлаяпти. Газетада эълон қилинаётган мақолалардан келиб чиқиб, асаримнинг мавзусини белгилайман. Болалардаги салбий одат ва қилиқлар қандай пайдо бўлади, деган саволларга шу газетадан жавоб топаман. Бу эса ҳаётни чуқуррoқ ўрганмоқ дегани.

**Дилдора АВАЗОВА - Республика Қўғирчоқ театрлари фестивали совриндори:**

- Мен учун “Оила ва жамият” газетаси ажойиб мактаб вазифасини ўтаб келаяпти! Биласиз, яқинда тўйимиз бўлди, севган йигитимга турмушга чиқдим. Худога шукр, газетадан қайнона-келин муносабатларини яхшигина ўрганиб олган эканман, асқотаяпти. Газетанинг донишмандлигига яна бир карра тан бердим. Тўғри-да, қайнонамнинг кўнглини топишни, турмуш ўртоғимни миннатдор этишни шу газета мақолаларини ўқиб, хулоса чиқариб ўргандим-да!

Мен учун бу газетанинг ҳар бир саҳифаси, ҳар бир рукни катта ҳаётни англашда муҳим саналади. Бугун бахтимни топиб, бахтиёр яшаётган эканман, ғойибона устозим “Оила ва жамият”нинг ҳам бунда ҳиссаси бор...

**Фазлиддин ЖУМАЕВ - актёр-режиссёр:**

- Театримиз болалар учун ишлайди. Бу ерда ҳамма нарса оддийгина. Мусиқий шоудан тортиб, жиддий мавзудаги қўғирчоқ томошаларигача болалар учун. Бола билан ишлайдиган киши энг аввало болаларнинг ёш хусусиятларини, мурғак қалбида содир бўладиган туғён ҳамда ўзгаришларнинг асл сабабини пухта ва чуқур билиши керак. Акс ҳолда бола онгига таъсир этиб, ўз ортидан эргаштира олмайди, саҳна асари ҳам ярата олмайди. Биласиз, театримизда асосан ёшлар ишлашади. Уларнинг ўзи ҳам ҳали қайсидир маънода маслаҳат ва ўгитларга муҳтож. Рост, уларда яхши ижрочилик, санъат бор. Ана шу санъатни ҳаётий тажрибалар билан омухта этиб, болаларга етказишда бизга ҳамиша “Оила ва жамият” газетаси кўмак бериб келаяпти. Спектакл тайёрлаётганда, асар устида ишлаётган ёки образ яратаётганда ана шу газетада эълон қилинган мақолаларнинг ёрдами тегади. Турмуш чигалликлари-ю, шодликлари баравар акс этиб турадиган ҳар бир мақолада инсон қалби, гўдак олами мужассам десам, ишонаверинг. Образ яратаётганда ҳолатларни ана шундан ўрганамиз. Менга ёқадигани нима қилсак шундай ёмон аҳвол юзага келмайди, деган жуда ўринли таъкиднинг ҳар бир мақолада сезилиб туриши ҳисобланади. Ахир театр санъати ҳам аслида шундай-ку! Болаларга ана ундай қилма, бундай қил деб эмас, нима қилсак яхши бўлишини ибрат қилиб кўрсатадиган санъат тури бу. “Оила ва жамият” газетаси таҳририяти ҳам ўз муштарийларига сийқаси чиққан тарзда ақл ўргатмайди, яхшилик ва ёмонликнинг фарқини жуда осойишта усулларда кўрсатиб беради. Менга ана шуниси ёқади!

**Зебинисо ШАМСУТДИНОВА - олий тоифали актриса:**

- Очиғини айтганда, мен умримни санъатга бағишлаб келаётган, ёлғизгина ўғлимнинг келажак бахтини ўйлаб яшаётган ёлғиз аёлман. Ёшлик қилибми, ҳали турмушга тайёр бўлмаганлигимданми, оилам бузилди. Ўғлимни ўкситмай деб қайта турмушга чиқмадим. Ижод, саҳна ҳаётимнинг ажралмас қисми бўлиб қолди... Ўғлимнинг тарбияси эса умримнинг мазмуни. Бор меҳримни унга бериб тарбиялашга интилаяпман. Ҳозир ўғлим ўсмир ёшида. Рассомчиликка ҳавас қўйиб, ўқияпти. Ўсмирлик даври жуда қийин кечадиган фасл экан, аслида. Болам тўғри тарбия олиши, айниқса, отаси йўқлигидан ўксимаслиги учун бор имкониятларимни ишга солаяпман. Ўрни келганда эса энг сирдош, энг доно маслаҳатчим “Оила ва жамият”-га мурожаат қиламан. Билмаганларимни ўқиб, билим оламан. Баъзан эса ўғлимга ҳам ўқиб бериб, мағзини тушунтираман. Аллоҳга шукр, меҳрим ортиқчалиги учунми, газетада берилаётган турли мавзулардаги мақолаларнинг таъсиридаги ўгитларим кор қилаяптими, ҳар қалай ўғлим ҳозирча жуда тўғри йўлдан одимлаяпти. Мақсад ва нияти битта: мени бахтли кўриш! Унинг бундай қарорга келиши иккаламиз биргаликда ўқийдиган мақолаларнинг таъсири деб биламан. Ўғлим ҳаётга тайёр бўлиб, энг муҳими эса аёл қалби нозик бўлишини, уни авайлаш ва эъзозлаш зарурлигини тушуниб бораяпти. Оила нақадар буюк тилсим бўлиши билан бирга ҳар биримизни бало-қазолардан асрайдиган мустаҳкам қўрғон эканлигини ўсмир қалби билан ҳис этаяпти. Шундан сўнг ҳам “Оила ва жамият”дан миннатдор бўлмай бўладими?

***Азиз муштарийлар! Мана, касбдошларимнинг мен севган нашр “Оила ва жамият” газетаси ҳақидаги фикрлари билан ҳам танишдингиз. Сизга биттагина саволим бор: Сиз ҳам бу газетани ана шундай тушуниб, ана шундай қадрлаб ўқийсизми?!***

**Зарифа МАМАТОВА**

*Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар»*

*Тарбия соати*

# БОЛАЛАРГА МЕҲР БЕРИНГ

Кўчада ўйнаб ўтирган қизалоқ ишдан қайтаётган онасини кўриши билан чопиб бориб, қучоқлаб олди. Онаси эса жеркиб берди: "Секинроқ, кир қўлларингни кўйлагимга суртма".

Меҳмонхонага меҳмонни бошлаб кирган она боласининг ўйинчоқлари сочилиб ётганини кўриб, фиғони фалакка чиқади: "Сенга ўйнашга жой қуриб қолганми? Нега кирдинг бу ерга? Ҳозир таъзирингни бермасамми, бу ёққа юр-чи!"

Телевизор кўриб ўтирган дадасидан ўғли тушунмаган мисолини ечишга кўмаклашишни сўрайди. Ота бўлса: "Кино пайти келасанми", деб уришиб беради...

Ҳа, биз катталар ишу юмуш билан жуда бандмиз. Фарзандимиз ўсиб бораётган сари кўмагимизга муҳтожлигини, бола тарбияси ҳамма ишларимиздан муҳимлигини, барча елиб-югуришларимиз фарзандимиз учунлигини унутиб қўямиз.

Ҳозирги пайтда аксарият ота-оналар, бобо-бувилар фарзандларининг моддий таъминотини ўйлашаяпти, холос. Ҳолбуки, тарбиянинг торлари жуда нозик. У фақат таъминотни эмас, фидойиликни тақозо этади. Оилада таъминот отадан, тарбия эса онадан.

Кейинги пайтларда табиат зиммамизга юклаган ана шу вазифалар ўрни алмашаётгандай. Минг қилса ҳам она отанинг ўрнини босолмайди, ота онанинг. Фарзанд ана шу икки тоғ ва боғига суяниб ўссагина бағри бутун бўлади, комил инсон бўлиб шаклланади. Оилада меҳр устивор бўлса, бола ҳам бағри бутун бўлади, яйраб ўсади.

Болангизнинг бўйи сарвдек, чеҳраси фариштали, оқилу доно бўлишини истасангиз, меҳр беринг, меҳрибон бўлинг. Ўзингиз ҳам гоҳ-гоҳида болалигингизни эслаб туринг. Бобонгиз опичлаб, бозорга, тўйга олиб боргани ёдингиздами?! Бувингиз тугунини кўтаришиб, олис қишлоқдаги қариндошингизни кўргани борганингиз-чи?!

Ҳар гал буюк бобокалонимиз Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний зиёратларига борганимда, бир пайтлар митти қўлчаларимдан тутиб, дадам ё онам олиб келганларини эслайман. Мавлудхонлик ё ифторлик дастурхони атрофида болалик хотираларим жонланади, мурғак тасаввурларим бўй кўрсатади: онажоним олиб борган биби Набияхон оямулло ҳовлисидаги "йоздахумхонлик"лар кўз олдимдан ўтаверади бирма-бир.

Дадажонимнинг яктаклари барини буклаб опичлаб юрганлари, тиззаларига ўтказиб, "Ихлос" сурасини ўргатганлари ёдга тушиб, соғинч ўртайди қалбимни.

Аминман, сизнинг ҳам ҳар бирингиз ҳаётингизда бундай ҳузурбахш лаҳзалар кўп, жуда кўп бўлган.

Энди-чи? Тўғри, замон ўзгарди, давр шошқин, вақт учқур. Ишимиз кўп, юмушимиз бисёр. Бизку катталар, болаларнинг ҳам бўш вақти йўқ, қай бири дарсдан кейин тил ўрганади, бири компьютерда ишлайди, қай бири мол боқса, бири бозорда арава судрайди, ота-онасига кўмалашишчун. Тунлари эртак айтишга на онанинг ҳафсаласи бор, эшитишга на боланинг тоби... Шошапиша овқатланишгач, катта-ю кичик телевизор қаршисида қотади. Сериал кетидан сериал... Ҳар кун шундай ўтади, умр ҳам...

Илмий кузатувлардан маълум бўлишича, болалик ва кексалик ўртасида мўъжизавий ришталар бўларкан. Бобо-бувилар невараларини эргаштириб, опичлаб, ачомлаб юриши, бағрига босиши, эртаклар айтиб бериши жараёнида улардан бир-бирига беқиёс меҳр, илоҳий нур ўтаркан, овозларидан неваралар қалбига латифлигу донолик, меҳру мурувват, бетакрор сеҳрли туйғулар жо бўларкан. Неварам - мағзим, деб бекорга айтишмайди-да.

Азизим, биламан, овқатнинг энг лаззатлисини болаларга тутасиз, ўзингиз киймасангиз-да, уларни кийинтирасиз. Лекин... кўйлакларингиз ғижим бўлса майлига, сароймонанд хоналар ўйинчоқлар билан тўзғиб кетса майлига, уларга бағрингиздан жой беринг, ақлингиздан нур, кўзингиздан сеҳр, қалбингизнинг қат-қатидан меҳр. Турли-турфа саволларини жавобсиз қолдирманг, орзуларига қанот беринг, хаёллар оламида ҳайрат кўзлари-ла сайр қилишга изн беринг, имкон яратинг. Аллалар айтинг, эртаклар-ла яхшиликка етакланг. Буларнинг барчаси меҳрингизнинг ифодасидир. Меҳр кўрсатган эса, албатта, меҳр кўради.

Абдулхолиқ Ғиждувоний айтганларидек, қалбдаги муҳаббат ҳам ибодатдир.

**Бахшанда БОЛТАЕВА,**
**Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани.**

# ЭР-ХОТИНЛАР ТОИФАСИ

## XIII. ЎПИЧ

Донишмандлар эр-хотин тотувлигида тилнинг ўрни беқиёс, дейишади. Жуда тўғри! Аммо бу ёқда лаб деган аъзо ҳам бор. Унинг-да, ўрни беназирдир. Тил-ширин сўзи, маъноли гапи орқали эр хотиннинг кўнглини олса, лаб-лабларга босилиб, қалбларни уйғотади, туйғуларни жунбушга келтиради. Қисқаси, тил - эр-хотиннинг дил боғини овласа, лаб - ишқ ўрнига оташ пуркайди.

Бу деганим, ёш келин-куёвлар, навқирон эр-хотинлар, борингки, катталар ҳам бир-бирларини нафақат тиллари билан эркалаб, ардоқлаб юрсинлар, балки ўрни келганда бир-бирларига эътибор, илтифот кўрсатиб, ўпишиб турсинлар, деганимдир. Ўпич - шундай қудратки, у бир жиҳатдан инсон вужудини ларзага солса, бошқа жиҳатдан, инсон юрагини забт этади. Инсоннинг меҳрини, муҳаббатини ниш урдиради, ардоқлайди, ҳаётга чорлайди. Оддий одамнинг фаҳмли, фаросатли, ҳис-туйғули бўлиб етишишида жуда катта улуши бор ўпичнинг. Афсус, кўп эр-хотинларнинг ҳаётида ўпиш, ўпишиш кундалик турмушларидан чиқиб қолади. Баъзи ёшлар тўйдан кейинги тотув ойларида унга бироз эътибор берсалар-да, сал ойлардан кейинроқ ёки йиллар ўтгач, назаримда, ўпишиб яшашни унутиб қўядилар. Бир неча йиллардан кейин эса ҳатто унинг қадр-қиммати, ширинлиги, офатижонлиги қолмайди. Ўрта ёшларда эса бундайлар тамомила ўпишишнинг кўчасига кирмай кетадилар...

Хўш, шу тўғрими? Йўқ, албатта...

Ўпишиб мулоқот-муносабат ўрнатишга одамзод, аввало, болалигидан бошлаб ўрганиб, одатланиб тамал тоши қўйиб бориши керак. Катталарнинг болаларни ўпиб, эркалаб қўйишида, болаларнинг эса катталарни ўпиб, ачомлаб туришида жуда катта ахлоқий-тарбиявий ҳикмат бор. Кўп нарсаларнинг ўз мактаби бўлганидек, боланинг ҳис-туйғуларини уйғотишда, уйғонганларини ривож топтиришда ва шу йўл билан унда нозик дид-фаросатни тарбиялаб етиштиришда ўпиш, ўпишиш, ачомлаш, ачомлашиш тенги йўқ мактабдир. Қайси оилада бу мактаб тўғри, соғлом олиб борилса, шу мактаб талаба-толиблари сезги-туйғуга бойиб ўсадилар. Ўз ҳисларини, майл-эҳтиросларини соғлом йўлга сола оладиган бўлиб камолга етадилар. Бу мактабни кўрган, талаб-қоидаларига риоя қилган ёшларнинг ҳеч бири, амин бўлингки, ишқсиз, эҳтироссиз бўлиб қолмайди. Севиш, севилишни ҳам бош манбаи шу мактабга ардоқланган бўсалар мевасида бўлса ажаб эмас...

...Тошкентнинг Юнусобод даҳасида икки ёшнинг никоҳ тўйи жуда дабдаба билан бошланиб, дабдаба билан ниҳояланди. Икки дилбанд ўз ошёнига бориб қўндилар, ором олиб ширин хаёлларга чўмдилар. Келинчак хаёлот соҳибаси эди, куёв тўра амалиёт ошифтаси эди. Келинбону суҳбатлашиб, ўпишиб, эркаланиб ўтиришни орзу қилса, куёв йигит ачомлашишни, севган ёрини бағрига олишни пайида бўлар эди. (бу ҳам табиий, албатта). Ишқибозликнинг удумини қиз рисолалардагидек бўлишини истаса, йигит оташ қалбни тезроқ рози қилишни истарди. Яхшиямки, нариги хоналарда меҳмонлар, қариндош-уруғлар бор эди...

Тўйнинг эртасидан келин-куёвнинг ҳозирги замон тили билан айтганда, асал ойи, удумимиз русуми билан айтганда чилласи бошланади. Ажойиб, гўзал, жозибали кунлари бўлади, уларнинг бу кунлари. Аммо кимларда қандай ўтади бу кунлар - уларнинг ўзи билади, ўзларига боғлиқ бўлади. Қандай бўлганда ҳам келин-куёвнинг ишқий ҳаёти хуфёна кечади. Ким билиб, ким билмай ёшларнинг интим турмуши гуллаб-яшнайди...

Бир кун келиб асал ойининг оташ шираси пасайиб келин-куёвлар бир қадар нари-берида юрадиган бўлганларида баъзилар ўпишиб, бир-бирларига илтифот кўрсатиб туришни ҳамон канда қилмай юрсалар-да, баъзилар буни ўзларига жудаям эп кўрмай қўядилар. Бу эса ўз навбатида, уларни бир-бирларидан узоқлаштириб қўяди. Мен тилга олган келин - Гули ҳарчанд куёви Санжарга мойиллик, илҳақлик кўрсатмасин, Санжар буни ё тушунмайди, ёки истамайди. Кўчадан келганда, жилла бўлмаса, узоқроқ кўрмай қолганда маҳбубасини бир ўпиб қўйишни унутади. Уйдан кўчага ёки ишга кетаётганида хотинини ўпич билан сийлаб кетишни ҳам одатидан чиқаради. Гули эса эрининг ўпиб кетишини жуда-жуда хоҳларди. Шуни деб у куёви кечқурун ишдан келганида унга дарҳол пешвоз чиқарди. У ўпмаса, ўзи ўпиб қўярди. Бундан ўзига маъно топарди. Гулининг тушунчасида булбул гулни, деб сайрарди, гулнинг бўйидан булбулнинг димоғи чоғ бўларди. Гули ўзини гул, куёвини булбул, деб ардоқлаб юрарди. Шу сабаб бўлса керак, дастлабки ойларда Санжар Гулини унинг киши билмас қистови билан ўпиб юрди. Лекин бора-бора, ўзида бўлмаганидан кейин бу илтифот бутунлай барҳам топди. Гулининг кўнгли вайрон бўлди. Эркаланишдек олий неъмат унда ҳам секин-аста сўна бошлади. Ҳай, майли, деди у ўзига-ўзи. Турмушимиз шу билангина ўлчаниб, шу билангина баҳоланмайди-ку, деди, ўзига тасалли беракан. Уларнинг ҳаёти тинч-тотув кечаверди...

Бир куни Гули келин бўла туриб, эрталаб ухлаб қолди-ю, эрини ишга ўз вақтида кузатиб қўя олмади. Эри бўлса, индамайгина ҳатто бироз тумтайган бўлиб ишига жўнаб кетди. Келин ўз хатосини тушунди. Кечгача уйда хижолат чекиб юрди... Куёви ишдан қайтадиган вақт бўлганда эса у ўзига оро бериб, ёстиқдошини уй бўсағасида қучоқлаб, ўпиб кутиб олди. Кун бўйи "хотиним мени менсимай қўяяптими?" деган Санжарнинг миясидаги хаёл шу заҳоти чиқиб кетди ва гина-кудурати ювилиб битди. Шунда ўпишиб, дийдор кўришишнинг сирини англаб етган Санжар маҳбубасини узоқ ўпди, узоқ қучоқлади. Куни билан изтиробда қолган вужуди ором топди, юрак-бағри енгил тортди.

Шунда у:

- Жуда ақллисан-да, Гули, - дея хотинини эркалаб, яна ўпиб қўйди. Атроф гўё чаман бўлди. Чаманзорда улар оқ ва қизил гулга айланди!..

Гулининг нафақат куёвини, балки уйдаги, уруғларидаги лозим бўлган барча катта-кичикларни меҳри билан ўпиб саломлашиши, ўпиб кўришиши, ўпиб хайр-хўш қилиши қўпол, дағал одамларга эриш туюлса-да, кўпларга манзур эди. Кўпчиликни хушҳол қилар эди. Кўп гина-кудуратларни ювиб кетар эди... Яхши одатни яхшилар тез қабул қилиши шу ўринда ҳам ўз ифодасини топди...



*Турмуш сабоқлари*

Кунларнинг бирида Гулининг қайнонаси ундан жиндек хафароқ, пича ранжиганроқ кўринди. Беайб Парвардигор... Аммо Гули ҳар кунги эрталабки саломида, кечқурун ётарга кетар олдида қайнонасини ўпиб, қучоқлаб қўйишни ёдидан чиқармади. Ёшларнинг қучоқлаб, ўпиб қўйиши кексаларга ғоят хуш ёқишини у жуда яхши англар эди.

Қайнонасига ҳам, қайнбўйинларига ҳам лозим бўлганча алпозда мулозамат кўрсатиб юраверди, Гули! Оқибатда, кўп ўтмай у ҳамманинг эҳтиромига сазовор бўлди. Ким яхши? Гули - келин яхши! Бир ўпиб, лозим бўлса, қучиб қўйишнинг беназир сеҳрини кўринг! Кўп ҳам вақт ўтмай совиброқ қолган қайнонасининг кўнгли яна илий бошлади. Беш-ўн кун ўтди, деганда қанонаси Гулини ҳам бағрига босиб, ўпиб, ардоқлаб қўядиган бўлди. Қайнонага ҳам ким яхши? Гули - келини яхши бўлиб кетди...

**Азимжон ҚОСИМОВ**

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# ПУЛГА БОЙ БЕРИЛГАН БАХТ

- Бир муаммо билан келувдим...- эшик олдида ийманиб турган ўрта ёшлар чамасидаги йигит хижолатомуз муддаога ўтади.

**- Бемалол гапираверинг, қўлимиздан келадиган ёрдам бўлса, аямаймиз.**

- Асли Сурхондарёданман. Хотиним билан севишиб турмуш қурган эдик. Шароит тақозоси билан Олмаликқа келиб яшай бошладик. Мен қурилишда, у боғчада ишлаб бир кунимиз ўтиб турувди. Аммо хотиним тенг-тўшлари олдида хижолат бўлаётганини, у ҳам яхши кийингиси келаётганини тез-тез айтадиган бўлиб қолди.



**- Топиш-тутишларингизнинг чўғи каммиди?**

- Ҳа, ўзим ҳам маош олганимда, қарз тўлаш билан куним ўтарди. Бир куни ҳамшаҳарларимдан бири Россияга бориб, бойиб кетгани ҳақида эшитдим. Сурхондарёга борганимда, ўша йигит билан учрашдим, унга ҳавасим келди. У менга Россияда ишлаётган бир йигитнинг манзилини берди. Мен вақтни бой бермасдан отимни қамчилагим келди. Хотинимга қўнғироқ қилиб, Россияга кетаётганимни, кейинчалик манзилим ҳақида хабар қилишимни айтдим.

**- Хотинингизнинг ёнида бирор қариндошингиз қолдими?**

- Бу пайтда 1,5 яшарлик қизчамиз бор эди. Мен катта режалар билан йўлга чиқибману, уларнинг аҳволини ўйламабман.

**- Россияга боргач, ишлаб уларга пул жўнатиб турдингизми?**

- Эҳе! Бу Россияга бориб, бойиб келиш дегани осон эмас экан... Сурхондарёдаги танишим айтган одамни тополмадим. Анчагача беиш юрдим. Кейин қурилиш қилаётган бир ўрис бойваччага ёлланиб ишладим. У қўлимдан паспортимни олиб қўйди. "Ишни тугатмагунча ҳеч жойга кетмайсан!"-деди. У ерда мен сингари ҳар жойдан келган йигитлар кўп эди. Биз шаҳар четидаги дала ҳовлида ҳашаматли уй қуришни бошладик. Ейиш-ичишимиз жойида эди-ю, аммо шаҳарга чиқишга рухсат йўқ эди. Ёнимизда эса телефон ҳам йўқ эди. Иш ҳақимизни қурилиш битгандагина олишимиз мумкин эди.

**- Рози бўлмасангиз-чи?**

- Рози бўлмасам, яна бундай тайёр бошпана, уч маҳал овқатни қайдан топардик. Чидашга мажбур эдик. Шу кетганча икки йил ишладим. Биратўла уйга келгач, хотинимни "бойвучча хотин" қилиб хурсандлигини кўрмоқчи эдим.

**- Хўжайин гапида туриб, пулларингизни бердими?**

- Ҳа, яхшигина ҳақ тўлади. Аммо қувончимиз узоққа чўзилмади. Уйга қайтаётганимизда, талончиларнинг қўлига тушиб, ярим пулимизни бериб қутилдик. Аммо ҳамма ғалва олинда экан.

**- Нима бўлди?**

- Уйга келсам, эшикни ўзга эркак очди. Унинг ўзини тутишига қараганда, бу уйга бегона эмасдек эди. Титраб кетдим. Хотинимни сўрадим. У ишда экан. Жон ҳолатда ишхонасига бордим. Хотиним мени кўриб, довдираб қолди. Сўнг мени бир йил кутганини, дарак бўлмагач, тирикчилик ташвишлари қийнаб юборганидан ўша одамга текканини айтди-да йиғлаб юборди. Қизчамиз ҳам катта бўлиб қолибди. Бу эркадан эса ҳомиладор экан. Нима қилишимни билмай, ҳайкалдай қотиб қолибман. Хотиним ишхонасига кириб кетганини ҳам, чойхонага бориб роса ичганимни ҳам эслолмайман. Ўзимга келганимда чойхоначи аччиқ чой дамлаб бериб, кейин мени манзилимга кузатди. Энди ота юртимга кетаяпман. Шундан олдин "Оила ва жамият" га келдим.

**- Афсус... пулни деб, бахтингизни бой берибсиз-да?**

- Ҳа, шу ҳақда газетхонлар билиб қўйишини истаб редакцияга келдим. У ҳам, мен ҳам вазият қурбони бўлдик. Аввалambор айбдор менинг ўзим. Нима қилиб бўлса ҳам тириклигимни, қайтишимни билдиришим керак эди.

**- Тўғри! Майли энди ғишт қолипидан кўчибди. Кейинги ҳаётингизни қандай тузмоқчисиз?**

Нима қилишга ҳайронман. Хотиним рози бўлса, бошқатдан никоҳ ўқиттириб, у билан яшардим. Уни яхши кўраман. Уни деб ўша томонларга кетувдим-ку! Қизимни ўзим катта қилсам, дейман...

**- Бу ҳақда хотинингиз нима деркин? Яна ҳомиладор бўлса... мураккаб масала... У билан яхшилаб гаплашинг, балки қизингизни сизга берар?..**

- Қанийди...

**- Уйга бораётган экансиз, сизни тушунадиган қариндошлар билан ҳам бир маслаҳатлашинг, кўпчиликнинг фикрини элаклаб олиш эса ўзингизга ҳавола...**

**Йигит кетди. Унинг хатоси айримларга дарс бўлса ажабмас.**

***Азизлар, унга берадиган маслаҳатларингизни таҳриятимизга йўллайсиз, деб ўйлаймиз.***

**САНОБАР**

# ҚИЙИН АҲВОЛДАМАН...

- Ёшим 18да. Мактабни битиргач, Тошкентдаги олийгоҳлардан бирига ўқишга кирдим.

Талабалик нашидасидан сармаст, бахтиёр кунларимнинг бирида бир йигит мени кузатиб юрганини сезиб қолдим. У йўлимни пойлар, неча пара ўқишимни билиб олганди,-дея сўз бошлади қўнғироқ қилаётган қиз. - Бир куни машғулотлар тугаб одатдагидек танаффусга чиқдик. Қарасам ҳалиги йигит менга қараб жилмайиб, кела бошлади. Индамасдан йўлимда давом этдим. У эса: "Сизга гапим бор", - деди. Мен тўхтадим. У беғуборгина жилмайиб турарди. "Мени вақтим йўқ, кетишим керак", - деб кетиб қолдим. У орқамдан чақирганча қолаверди.

Шу тариқа 1 ой ўтди. Ундан ўзимни олиб қочардим. Шундай кунларнинг бирида севишини айтди. Мен унинг гапини ҳазилга йўйиб: "Ҳазиллашманг", - десам: "Йўқ, ростини айтаяпман, ишонинг", - деди. Шу-шу бўлди-ю у мени ҳар куни кутар, суҳбатга тортарди. Кейинчалик мен ҳам уни кўрсам юрагим ҳаприқиб ура бошларди. Бир куни келиб: "К. саволим нима бўлди?" - деб сўради. Мен ҳатти-ҳаракатларини, менга бўлган самимий муносабатларини кўриб, ҳақиқатан ҳам мени севишига иқрор бўлиб, учрашиб туришга рози бўлдим. Шу-шу биз ҳар доим бирга юрадиган, у дарсларим тугашини кутиб, уйга кузатиб қўядиган бўлди.

Ўртамиздаги муносабатлардан курсдошларим, унинг дўстлари, акаси хабардор бўлишди. У билан ўтган ҳар бир куним бахт-саодатга тўлиқ, аммо менга қисқагина бўлиб туюларди. Бот-бот қўнғироқ қилиб: "К. мен сени севаман, эшитаяпсанми, севаман", - дерди.

Кунларнинг бирида у ёнгинамдан саломлашмай ўтиб кетди. Мен эса жуда хафа бўлдим. Орадан бир кун ўтгач, у яна ёнимга келди: "К. хафа бўлма. Ўша куни кайфда эдим. Қанақа қилиб ёнингга борардим", - деди. Мен уни тушундим. У мендан қайта-қайта узр сўради.

Ўша куни биз яна узоқ суҳбатлашдик. Эртаси куни эса умуман ёмон кайфиятда олдимга келди. Оғзидан ароқ ҳиди анқиб турарди. Мен унга: "Ичдингизми? Менга ичадиган, маишат қиладиган одам кераксмас", - дедим жаҳл устида. Индамайгина турарди. "Келарман", деганча бир ой йўқ бўлиб кетди.

Кейин маълум бўлдики, отаси ичганини билиб қолиб, роса уришибди. Унга қўнғироқ қилиб чақиртирганимда "йўқ", деб жавоб беришганининг ҳам боиси шу экан. Отаси умуман ҳамма нарсани таъқиқлаб қўйганди. Энди уни ҳар қадами ўлчоғлиқ, қилаётган ишларидан эса отаси хабардор бўлиб турарди. Шу-шу бўлдию отаси орамизга тушиб, пок севгимизга раҳна соладиган бўлди. Б. эса иложсиз эди, отасининг феълини биларди. Жудаям баджаҳл инсон экан.

Бир куни у менга қўнғироқ қилиб, "К. мен билан кетасанми?" - деди. "Қаерга", десам: "Бошимиз оққан томонга", - деди. "Мен ота-онам юзига оёқ босолмайман", - десам: "Менга сенсиз ҳаёт йўқ. Отам мени ҳоли-жонимга қўймай, бир қариндошимизга куёв бўлишимни истаяпти. Улар олдиндан келишиб қўйишган экан. Мен эса бехабар юрган эканман", деди. Ўша пайтда кимдир устимдан бир челак муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Бир оздан кейин: "К. учрашайлик. Сен билан бафуржа гаплашиб олай!" - деди. Мен кўндим ва биз учрашдик.

У маъюс эди. "К. агар мен билан кетишга рози бўлмасанг унда иккимизга ҳам қийин бўлади", - деди. Мен эса: "Мен кетмайман! Майли, уйланаверинг, сизга бахт тилайман! Тақдирга тан беринг, унинг бешафқат зарбаси иккимизни ҳам гангитиб қўйди. Лекин бундай бемаъни йўлни танлаш ножоиз, албатта, - дедим.

Шу-шу йўлимиз иккига бўлинди. У билан учрашиб қолгудек бўлсак салом-аликдан нарига ўтмасдик. Мен яна бир нарсани тушундим. Агар мен унга турмушга чиқсам отаси қариндоши олдида мулзам бўлиб қолади. Аламини иккаламиздан олиши аниқ. Мен эса қайнота-қайнона деган улуғ зотларга сидқидилдан хизмат қилишдан маҳрум бўламан. Шунинг учун ҳам мен уни унутишга ҳаракат қилаяпман. Ўзимни ўқишга бағишлаганман. Б.да эса ҳали ҳам умид учқунлари бор, бу туйғу менда ҳам сўнмаган. Аммо бир умр унинг ота-онаси тавқи-лаънатида яшай олмайман-ку!

***Менга маслаҳат беринг. У билан гапни бир жойга қўйиб, бошимиз оққан томонга кетайми? Ёки тақдирга тан берайми, нима қилай? У бўлса жавобимни кун санаб кутаяпти.***

**САИДА ёзиб олди**

*Қўнғироқларингиз...*

# ТЎҒРИ ЙЎЛГА СОЛИНГ

- Икки қизимдан кўнглим тўқ, сўнгги пайтларда ўғлимдан ташвишдаман,-дейди телефон қилаётган аёл.

**- Нимага ташвишдасиз, ўғлингиз неча ёшда?**

- 12 да. Ўғлим аввал адаси ва менинг чўнтагимдан кам-кам пул ўмарди. Кўзимизнинг оқу-қораси, яккаю-ёлғизимиз бўлгани учун билиб-билмасликка олдик. Кеча маош олгандим. Бугун санаб кўрсам 3 минг сўм пул кам. Фиғоним фалакка чиқиб кетди. Адаси иккаламиз яхши гап билан роса тергадик. Аввал бўйнига олмади, кейин пулни олганини тан олиб, қўйган жойидан олиб берди. Минг сўмини ишлатишга ҳам улгурибди. Уни бу йўлдан қандай қилиб қайтаришга бошим қотиб қолди.

- Биласизми, инсон боласи биринчи қинғир ишидан дакки емадими, вақт ўтган сайин ботирлашиб, бу ҳол кундалик турмуш тарзига айланади. Биз ота-оналар болаларимизни жонимиздан ортиқ суямиз. Уларга болалигида ширинликлар харид қиламиз, улғайгач ўзимиз киймаган кийимларни олиб беришга ҳаракат қиламиз. Энди айтинг, ширинликдан унинг нафси баҳра олади. Кийимдан руҳияти кўтарилиб, тани яйрайди. Лекин унинг онги, дунёқараши на ширинлик, на кийимдан озиқланади. Сиз ўғлингизга қимматбаҳо шоколад харид қилиб, шунга қўшимча арзимаган пул турадиган бирорта болалар китобчаси ҳам харид қилганмисиз? Балким ҳа, балким йўқдир. Сиз унинг синф раҳбари билан доимий бамаслаҳат иш юритинг. Мактаб дарсликларидан ташқари бадиий китоблар ўқишига эътибор беринг. Бўлар-бўлмас, олди-қочди киноларни кўрмаслигини назорат қилинг. Лекин урманг, уришманг. Болангиз ўқишдан ҳам, сиздан ҳам безиши мумкин. Ширин сўз билан йўлга солинг.

Адабиёт, санъат, спортга боғланган бола комил инсон бўлиб вояга етади. Уни бир гап билан ёки қуруқ насиҳат билан даволаб бўлмайди. Унга йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш мумкин, холос. У ўзини-ўзи даволаши ёки тубанлик ботқоғига ботириши мумкин. Сиз уни маърифатга, маданиятга, спортга буринг. Кейин роҳатини кўраверасиз.

**НОДИРА**

# БАҒРИНГИЗНИ КЕНГ ҚИЛИНГ!

**“Боламни бергим келмайди” - 40-сон**

**ЭСЛАТМА: Икки нафар фарзандим бор. Учинчисига ҳомиладорман. Ой-куним яқинлашгани сайин қўрқаяпман. Чунки қайнонам: «Болангни овсинингга берасан!» дея шарт қўйган. Овсиним кўп йиллардан бери фарзанд кўрмайди. Мен боламни беришни истамайман. Нима қилсам экан?**

**Муаллиф: Мунаввара**

Азиз синглим Дурдонахон! Сизга аниқ бир маслаҳат бермоқликка истиҳола қилмоқдаман. Чунки вужудингиздаги бир парча жонни не машаққатлар билан қўлингизга олиб, кўзи кўзингизга тушгандан кейин... бировга тутқазишлик осон эмас, бу ҳақиқий қурбонлик. Лекин, келинг, бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрайлик. Аввало, оналик рутбаси аёл учун олий бахтдир. Ўз боласини тирноққа зор бир бахтиқарога бериб, бахтиёр қилиш эса энг юксак олижаноблик. Синглим, сўз бошини мухтасар қилиб, ўзим ҳаётда эшитган-билган мисолларни келтириш билан муддаога ўтсам.

Нортожи буви қўшнимизгина эмас, бувимнинг қадрдони бўлганлари учун жуда кўп ҳамсуҳбат бўлганмиз. Қуйидаги баён этилажак ҳодисаларнинг барини бувининг ўз оғзиларидан эшитганман. Уни ўн тўрт ёшида Намангандаги узоқ қариндошлари бўлмиш, ўттиз ёшли бир бойга узатганлар. Эри инсоф-диёнатли, топганини мухтожлар билан баҳам кўрадиган феъли кенг инсон экан, бинойидек яшаб, тотувликда кун кечирибдилар. Иккинчи ўғли туғилиши арафасида ўша давр урф-одатларига кўра эри яна бир ёш қизга уйланибди. Самарқандга сафар қилганида ўша ерлик бир савдогарнинг қизига кўнгил қўйган экан. Нортожи тақдирга тан бериб, келинчакни синглисидек қабул қилибди. На кундошлик, на мусофирлик азобини чектирмабди. Муросаи-мадора билан йиллар ўтаверибди, фақат иккинчи хотин Зубайда фарзанд кўрмабди.

Бу орада Нортожи яна бир ўғил кўрибди. Кундошлар жами рўзғор ишлари каби бола парваришида ҳам тенг жон куйдиришар экан. Кенжа меросхўр ёшига етиб, чопқиллаб қолган бир пайтда оиланинг бошига мусибат тушибди - саҳий, одампарвар бойни “қулоқ” қилиб, Сибирга ҳайдабдилар. Бор мол-мулкини тортиб олиб, кундошларни болалар билан тўртта яланғоч девор ичида қолдирибдилар. Бир кафт буғдойсиз, бенажот қолган аёллар йиғлаб-сиқтаб, аммалаб кун кўришибди. Аммо шундай бир пайт келибдики, қорин тўйғазишнинг чораси қолмабди. Олдинда эса қаҳратон қиш... Шунда кундошлар маслаҳат қилиб, ҳар бири ўз юртига қайтиб, қариндош-уруғларию яқинларидан ёрдам сўрашга қарор қилишибди. Болаларни ухлатиб қўйиб, туни билан кўз ёш тўкиб хайрлашибдилар. Тонгда эса Нортожи кенжатойини Зубайданинг қўлига тутқазибди ва дебди:

- Собиржонимни сенга, сени Худога топширдим. Ҳеч қачон “Болам йўқ” деб ўксимагин. Худо шоҳид, чин дилдан беряпман, бола энди сеники! Бир умрлик ҳамроҳинг, ғамхўринг бўлсин!

Шундай қилиб, Зубайда кундошини алқай-алқай Самарқандга равона бўлибди, Нортожи эса Фарғонага қайтибди. Орадан қарийб қирқ йил ўтди. Нортожи буви соғинчини юрагининг энг тубига яширган, фақат аҳён-аҳён “Самарқанд” деган сўзни эшитиб ёки телевизорда ўша томонлардан лавҳа берилиб қолса юзидаги ифода ошкор этиб қўярди. Ўтган йили қишлоғимизда оламшумул воқеа содир бўлди: Нортожи бувини Собиржони излаб келди. Онаси Зубайда қазо қилар чоғида бор ҳақиқатни айтиб, “онангни топиб, тавоф қил, у жаннати аёл!” деган экан. Ҳозир бу яқин атрофда Нортожи бувидек иззат-икромли аёл йўқ. Ўғилларининг кафтида, набиралари ўртасида талаш, ҳали Самарқандда, ҳали бу ерда. Собир ҳам катта бир корхонани бошқараркан. Бу йил онасини ҳаж сафарига олиб борди.

Қаранг, сингилжон, бир оми, тергайдигани ҳам йўқ, боши очиқ аёл нуридийдасини бағридан узиб олиб, туғмас аёлнинг қўлига топширибди. Яна кимга-кундошига! Самарқанд ҳозир бир қадам, лекин ўша пайтда ўзи кўрмаган, бегона бир юртга бериб юборган, ўз боласини. Меҳри тушиб, йўлга юргизиб қўйган чоғида-я! Буни нима деб аташ мумкин? Инсонийлик, фидойилик, руҳ комиллиги эмасми бу?! Олийжанобликнинг энг мукаммал кўриниши эмасми?

Агар эътибор берсак, яъни инсонларнинг ўзаро фарзанд беришлик фазилати азалий урф-одат, беназир қадриятларимиздан эканига амин бўламиз. Бундай инжа анъаналар айни биздайин болажон, фарзандлари меҳр-оқибат булоғидан сув ичиб улғайгувчи бағрикенг халққа хос ва мосдир. Кундошига бола берганлар камдир, лекин овсинининг кемтик бағрини тўлдирган шундай аёлни биламан, ўғлини овсинига бериб, “қайтанга икки онали бўлиб, меҳрга тўқ улғайяпти”, деб мағрурланиб юради.

Синглим, балки турмушингиздаги бу савдо аллақачон ҳал этилиб бўлгандир. Агар болангизни берган бўлсангиз, биз сиз тарафмиз, зинҳор ўкинманг! Бу савдони қайнонангиз оқиллик билан, ширинсуханлик орқали ҳал этиши лозим эди. Сиз юзлаб оналардан биттисигагина насиб этгувчи улуғ савобга мушарраф бўлибсиз. Парвардигор сизга пайт келиб шундай мукофат берсинки, ҳозирги изтиробларингиз бир тушдек унутилгай. Бошингизни баланд тутинг!

**Гулчеҳра АСРОНОВА,**
**Фарғона шаҳри**

*Акс-садо*

# СУЯНЧИҚ БЎЛАЙЛИК

**Аввало ўзингизни сўроқ қилинг!-24-сон**

**ЭСЛАТМА: Икки укам алоҳида уй олиб, чиқиб кетишган. Ота-онам ўз уйларида алоҳида яшашади. Ҳеч кимга оғирлиги тушмайди. Келинларнинг таъсирими, ака-укаларим ота-онамни кўришга унча кўп боришмайди. Наҳотки ота-онага меҳру оқибат шу бўлса? Улар инсофга келишармикан, ёки...**

**Муаллиф: М. Шукурова.**

Мақолани ўқирканман, бошимдан ўтган бир воқеани ёзишни лозим топдим.

Куз пайтлари эди, ўғилларимни олиб, онамдан ҳол сўраб, келай, деб бордим. Уйимизгача 30-40 дақиқалик йўл. Турмуш ўртоғим тунги ишдалиги сабабли яна болаларим билан қайтдим. Шу пайт ёмғир ёғиб юборса бўладими! Шунда даҳлизда турган калишни кўрсатиб: “Ойи, шу калишни кийиб кетай, туфлимнинг пошнаси баландлик қилиб ёмғирда оёғим қайишиб кетмаса эди, деб қўрқаяпман”, десам, ойим: “Йўқ, уканг илк ойлигига олиб келди, болаларинг кийиб чиқиб йиртишади. Улар шўх”, деса бўладими?! Жоним чиқиб кетди. “Бундай калишни неча бора олиб берибману барибир ўғлиники азиз экан”, дедим ичимда.

Воҳ, шунча югурсак-да, ўғилларининг отган тошини олиб кела олмадик, дедим.

Уйга келсалар: “Ўтиринг ойижон, куёвингиз ҳам сизни ҳурмат қилади”, десам, “Бу ерда бол еб, бодом чайнасам-да, ўғлим уйида еган қаттиқ ноним тотлироқ”, дейдилар.

Сиз қайнсинглимнинг эри яхши топади, ҳеч нарсага зориқтирмайди, дебсиз. Келинингиз тўғри айтибди. Маҳалламизда бир аёл бўларди, ўғли автоҳалокатда ўлиб, қизига ичкуёв қилганди. Она ва қиз гаплашишса, куёви: “Нега мени ғийбат қиласизлар, нимани гаплашасизлар?” деб роса урарди ва ниҳоят қизининг озорланишларига чидай олмай, она уларга ҳовли-жой қилиб берди. Онахоннинг ҳолидан маҳалладагилар хабар олиб турарди.

Нима демоқчиман? Эй, ўғил! Соғ экансан, нега онаизорингни ризолигини олишни ўйламайсан? Хотин топилар, онанг-чи?.. Бир кам дунё экан-да, қариганда кўзларига нур, белларига қувват, оёқларига мадор бўлиш ўрнига нималар қилаяпсан?

Ёш пайтларимизда буви деб суйиб юрадиган момомиз отамларнинг иккинчи турмушлари экан. Ойим: “Бувингнинг дуосини олинглар, уларнинг раъйига қаранглар”, дердилар. Жуда ажойиб аёл эдилар. Уйга меҳмон келса, бизларни жамлаб: “Ойинг дугонаси билан чақчақлашиб ўтирсин, халақит берманглар”, деб меҳмоннинг олдига юбормасдилар. «Ўғил-қизларим бўлмаса-да, оқ ювиб, оқ тараганинг учун еттидан етмиш пуштинггача сенларга бахт тилагувчи бўламан», сендан икки дунё розиман, деб яқинда ойимнинг тушларига кирибди. Йўқса, қазо қилганларига 26 йил бўлди.

Меҳрибонларим! Ота-онамизга, қарияларга меҳрибон бўлайлик, уларнинг дуоларини олайлик. Қариганда суянчиқ бўлайлик.

**Фотима БОЛТАЕВА,**
**Хоразм вилояти, Қўшкўпир тумани,**
**29-мактаб ўқитувчиси.**

# ЮРАГИМНИ КУЙДИРАР БИР ЧЎҒ

**“Тегирмондан бутун чиққан бевафо ёрим” -17-сон**

**ЭСЛАТМА: Эрим билан шаҳарда яшардик. Кейинчалик қишлоққа кўчиб кетдик. Қишлоқда ишнинг кўплигиданми, ишқилиб эрим иккаламизнинг муносабатимиз ўзгарди. Эримни синаш учун унинг иш жойига бир қизнинг номидан хат ёздим. У ўша айтилган жойга борди. Лекин хатни мен ёзганимни билиб қолгач, орамиз бузилди. Қилган ишимдан пушаймонман.**

**Муаллиф: Ҳ. Ҳотамбоева**

Ўз уйида бахтли бўлган одамгина бахтлидир. Кунда жанжал уясига айланган оилада яшашнинг ўзи бўлмайди!

Нилуфар билан бирга ишлаймиз. Ёш, кўркам қиз. Икки фарзанднинг онаси. Кунларнинг бирида уёқ-буёқдан суҳбатлашиб ўтирардик. Бирданига ҳамкасбимнинг ранглари оқариб, бармоқлари титраганча тилини тагига ҳапдори ташладию, пешонасидаги реза-реза, майда терларини артиб синиққина жилмайдида, «Қўрқиб кетдингизми? Юрак ўлгур санчийди-да»,-деди.

- Нилуфарой, жуда ёшсиз, чоғи... Бу дард сизга қандай ёпиша қолди?

- Опагинам-а, дард ёш танлар эканми? Ёргинамнинг “совға”си бу...

Ўн тўққиз ёшимда, ота-онамнинг орзу-ҳаваси билан эрга тегдим. Беш ўғил орасида яккаю-ягона қизман. Қанчадан-қанча совчилар келганда бермаган ота-онам шу Равшан сариқ юборган совчиларига рози бўлиб ўтирибди. Нима эмиш, “яхши қиз маҳалладан ортмасмиш”!. Бўлғуси турмуш ўртоғимни азалдан ёқтирмасдим. Олийгоҳ талабаси эдим, учинчи курсда ўқийман.

Янги келинлигимдан уриш бошланди. Айбим—кўчада юраман! Ўқишдан келишимданоқ “разбор” бошланади:

“Нега кеч қолдинг?”, “Қайси ўйнашинг кузатди?” ва ҳ.к. Ўлардек уради-да, эртаси куни энг қиммат тилла узук-зиракни опкелиб тақади. Бу вақтда мен ҳаммаёғим кўкариб, уйда ётаман, юз-кўзимдан уялиб кўчага чиқолмайман. Шу тариқа қизим, кейин ўғлим туғилди. Ур калтак-сур калтак фарзандларимга ҳам таъсир қилган: қизим 1 кг 800 гр, ўғлим вақтига етмай туғилган.

- Урса қараб ўтирармидингиз?-ҳам ачиниб, ҳам ўзини ер қилган аёлга таажжубланаман.

- Э қайтиб борай десам, онам отамга ёпишади. “Сен бергансан”,-деб. Отам бечораям мени бахтсиз бўлсин, дебдими?

Бир қўшнимиз бўларди. “Мунча узугингиз кўп?”, дея ҳайратланиб ўнта бармоғимни томоша қиларди. Мен бўлсам, қўлимдаги қўша-қўша тиллоларни қуёшга ярақлатиб, юрагим тилка-пора бўлиб санаб кетардим: Буни ўқишдан келганимда, урувдишунда оберган. Мана бунисида бошимни “сотрясения” қилган. Номманом санаб бўлсам, опанинг кўзи ёш. “Э, бу тиллаларни сувга отворинг! Эссиз, умр-а”,- дейди!

Хуллас, Нилуфар яримжон бўлиб қолгач, беш ака-ука куёвини ўласи қилиб уриб, зовурга ташлаб кетишади. Чалажон куёв икки уч соат ўтиб, зўрға қўлини ечиб, жонини қутқаради. Рашк туфайли, эр-хотин бир-биридан кўнгли қолган, турмуши ҳам англашимча, совуққина ошдек эмиш...

Ҳа, азизлар, муҳаббат оилавий машмашаларни ёқтирмайди. Чинакам бахт эса бойликда эмас, бир оғиз ширин сўздадир.

**Фарида ТОҲИРОВА,**
**Чирчиқ шаҳри**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**ГУЛКАРАМ опа!**
50 ёшингиз муборак бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, таълим-тарбия беришдек шарафли ишингизда омад ёр бўлсин.
Оила аъзоларингиз



**НОРТОЖИ!**
Туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.
Қадрдонингиз



**Рустамбой ХЎЖАМУРАТОВ!**
Таваллуд кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.
Питнак шаҳар ДСЭНМ жамоаси



**Комила ЁРҚУЛОВА!**
Касб байрамингиз билан табриклайман. Соғлиқ-саломатлик, узоқ умр тилайман. Эл соғлиғи йўлидаги ишларингизда муваффақият тилайман.
София

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# «БАХТИМИЗ ҚОМУСИ»

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон аёлларининг нуфузини ошириш, жамият ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва уларнинг юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини кучайтириш, аёл зотини эъзозлаш ва улуғлаш мақсадида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "БАХТИМИЗ ҚОМУСИ" номли кўрик танлов эълон қилади.

Бунда мамлакатимиз хотин-қизлари ҳаёти, сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимларини ошириш борасидаги амалий ишлар, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ютуқ ва камчиликлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси хотин-қизлар ҳаётида қандай роль ўйнаётганлиги, "Конституция аёллар тақдирида" мавзуларида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ёритилган "Энг яхши мақола", "Энг яхши телекўрсатув", "Энг яхши радиоэшиттириш", "Энг яхши фотосурат"лар тақдим этилади.

Кўрик-танловнинг 2007 йил 7 ноябрдан 7 декабрга қадар туман босқичлари, 2007 йил 7 ноябрдан 2008 йил 20 февралгача вилоят босқичлари, 2007 йил 7 ноябрдан 2007 йил 8 мартгача республика босқичлари ўтказилади.

Ғолиблар туманларда 8 декабр Конституция байрамида, вилоят ва Республика босқичи ғолиблари 8 март хотин-қизлар байрами арафасида эълон қилинади ва тақдирланади.

**Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.**

**Тел/факс: (998-71) 139-40-66, 139-40-12, 144-06-15, 144-16-17.**

# ОПАМНИНГ ҚУВОНЧИ

**туш таъбирномаси**

Бу тушни кўрганимга анча йил бўлиб қолди. Ўшанда опам турмушга чиққан, аммо фарзанди йўқ эди. Бундан ҳар икки томон—ота-онам ҳам, поччамнинг ота-онаси ҳам сиқилишиб, ташвишланиб юрганларида ажойиб бир туш кўрибман. Опамнинг тўйи бўлаётган эмиш тушимда. Опам чиройли оқ кўйлак кийган эмишу аммо ёнида умуман бегона йигит куёв эмиш... Опамнинг эри поччам эса келин-куёв"ларга хизмат қилиб, тўйда югуриб-елиб юрибди... Қўрқиб уйғониб кетдим ва хаёлимга:

- "Опам поччам билан ажралишиб кетса-я, нимага мен шу бехосият тушни кўрдим"-деган фикр келди. Ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан ўз тушимдан ўзим хафа бўлиб юрдим. Барибир бир куни буни онамга айтдим. Онам хурсанд бўлиб мени қучиб: -Илоҳи, шундай бўлсина, ўзим ўргилайин сендан-дея юз-кўзлариман ўпдилар. Биласан опангнинг фарзанди йўқ эди, худо ҳоҳласа, насиб этса боласи бўлади, чунки қиз боланинг туши тескарисидан келади дейишади. Ҳали опанг эшитса борми, сени осмонга отади-я...

Ёзги таътил тугаб мен ўқишга қайтдим, орадан уч ой ўтиб уйга борсам, опам меҳмондорчиликка келиб турган экан. Мен билан кўришаркан севиниб: - Ўзим ўргилайин фариштали синглимдан,мени қарздор қилиб қўйдинг. Қарздорман сендан. Опам гапираяпти-ю, кўзларидан дувиллаб ёшлар тўкилаяпти. Бу севинч, миннатдорчилик кўзёшлари эди. Опажон, қўйинг бу Оллоҳнинг қудрати, қўйинг йиғламанг, энди дея бағримга босдим. Ҳозир опамнинг уч ёшли жингалак сочли, киприклари узун-узун қўғирчоққа ўхшаш Малика исмли қизи бор.

Уни ҳар кўрганда "Доно тушнинг нишонаси бу ширинтой",-деб ҳазиллашаман.

**Зебинисо ҒАФФОРОВА,**
**Тошкент шаҳри,**
**Яккасарой туманидаги 160-мактаб ўқитувчиси.**

# ЭПЛИ КЕЛИН КУНДА БИЛИНАР

Маҳалламиздаги Кумуш хола бугун бирварайига иккита келин тушираяпти. Катта келини шаҳарлик бўлиб, прокурорнинг ўқимишли қизи экан. Кичкина келини эса қўшни қишлоқлик Холмурод ўқитувчининг қизи эди. Ҳаммаси келинлар ҳовлига кириб келганда бошланди. Катта келиннинг сепи—қимматбаҳо кресло диванлари, холодильник, телевизорлари-ю, кир ювиш машинасигача кўрганларни лол қолдирмай қўймади. Кичик келиннинг оддий шифонеру-сандиғидан бўлак ҳеч нарсаси йўқ эди. Келин-куёвлар безатилган стол ёнига ўтиргач, яна ҳамманинг нигоҳи катта келиннинг қўша-қўша тилла тақинчоқларида бўлди. Унинг виқор билан ўтириши, чимирилиб қарашлари-ю устидаги европача қимматбаҳо оқ кўйлаги ҳам назардан четда қолмади. Кичик келин эса оддий оқ кўйлакда тилло-безакларсиз, ерга боқиб ўтирарди. Ниҳоят тўй ҳам тугади. Эрталабдан хотин-қизнинг ҳаммаси қўша келинларнинг сарпосини томоша қилишга чиқдик. Кичик келин одми атлас кўйлакда югуриб-елиб хизмат қилар, катта келин ўз уйида қимматбаҳо кийимларининг бирини ечиб, бирини кийиб ҳовлига кириб-чиқиб турарди. Шу пайт ҳовлида бир уй меҳмонларни кутиш билан овора Кумуш хола катта келинига қарата: "Она қизим овсинингиз эрталабдан бери тингани йўқ. Ҳозир ҳам қўли пишир-куйдирдан бўшамаяпти. Қани бир паловга уннаб юборинг. Меҳмонлар иссиқ овқатсиз кетмасин", деб қолди. Катта келинга бу гап ёқмадими, меҳмонларга беписанд назар солдида, ошхонага бурилиб кетди. Оддий кўйлакда, сочларини битта қилиб ўриб олган кичик келин "хуш келибсизлар", дея эгилиб салом бердию, олдимизга турли ноз-неъматларни тўлдириб ташлади. Қорнимиз очгани билинди, сомсалардан битта-битта олиб ея бошладик. Сомсалар шунақанги ширин эканки, энди гап кичик келиннинг пазандалиги, бир-биридан ширин пишириқларига кўчди. Шу пайт ошхонадан тарақлаган товуш ва идиш-товоқларнинг сингани сўнгра "вой ойи" деган овоз эшитилди. Ҳаммамиз ошхонага югуриб бордик. Катта келин ёғни қозонга солибди-ю, доғ бўлмай туриб катта гўшт бўлагини солганда сачраган ёғ қўлига тегибди, додлаб столга туртиниб, устидаги пиёлаларни ағдариб, юборган экан. Кумуш хола келинининг қўлидан капгирни олар экан, «Эссиз, онангиз шунча буюм, тилла-тақинчоқлар тўплабди-ю, битта овқат қилишни ўргатолмабди-да. Яхшиям овсинингиз эпликкина чиқди. Бугундан калондимоғликни йиғиштиринг-да, рўзғор тутиш сирларини овсинингиздан ўрганиб боринг»,-деди. Катта келиннинг бойликлари бир ҳафта мақталган бўлса, кичик келиннинг пазандалиги, саришталиги, одоби, муомаласи, айниқса чеварлиги ҳалигача маҳалламизда дув-дув гап. Кумуш хола ҳам уйини файзга-баракага тўлдирган эпли келинидан мамнун.

Тилло-тақинчоғу, зарларга кўмилган сепли келин яхшими, уйингизга файз кирита олган ширин сўз, пазанда эпли келин яхшими? Сиз нима дейсиз?

**Дилфуза ҲОТАМОВА,**
**Бўка тумани.**

## ТЎРТЛИКЛАР

Бошингда чарх урса қисмат ўйини,
Ғаниминг алафдай чўзар бўйини.
Булутнинг тагида офтоб кўп қолмас,
Нур сочар, зулматнинг қирқиб пайини.

* * *

Ижод гулшанини кезай, деб келдим,
Гўзаллик рангини чизай, деб келдим.
Сўзларнинг дурини тополсам кошки,
Инсонлар қалбига тизай, деб келдим.

## «Оила ва жамият» ўгитномаси

Яхшилар ҳар доим кўнгил овлашар,
Нафсини тиймаган кунда довлашар.
Санъатни ўзига бизнес қилганлар,
Даврага талашиб, тўйда қувлашар.

* * *

Бахт юлдузинг доим чарақлаб турсин,
Қайғунинг шарпаси йироқлаб турсин.
Яхши-ёмон кунда синалган дўстлар,
Доимо бир-бирин сўроқлаб турсин.

**Пардабой ҚУЛАТОВ**

**ҚОСИМОВ ҲАМИДУЛЛА ҲАСАНОВИЧ**га С. Раҳимов туман ҳокимиятидан чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун 2006 йилнинг 27 ноябрида берилган (рўйхат рақами 733/05), **ЖШ № 020241** рақамли рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

Торт, пишириқ, таом ва салатлар тайёрлашни тез ва арзон нархда ўргатаман.
**Тел: 170-18-86**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Ҳаддан ташқари толиқмасликка ҳаракат қилинг. Турмуш ўртоғингиз билан хорижга саёҳатга чиқишингиз эҳтимоли бор.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Янги режалар тузишингиз мумкин. Кўнгилочар ўйинлардан эҳтиёт бўлинг. Ҳафта ярмида қийин ишларингиз амалга ошади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Оилангизда бироз келишмовчилик чиқиши мумкин. Раҳбарингизнинг назарига тушиб, амалингиз ошиши кутилмоқда.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Турли ғийбатлардан узоқроқ юринг. Уй қуриш ва таъмирлашни бошлаш учун қулай ҳафта. Шунингдек, дўстларингиз даврасида дам олишни ҳам унутманг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Уйингиз хавфсизлигини таъминланг. Ҳаётдан завқланинг. Имкон бўлса фарзандларингиз билан кўнгилли сайрга чиқинг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Яқинларингизнинг омадига ҳасад қилманг. Аксинча, шахсий муаммоларингизни улар билан биргаликда ечишга ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Соғлиғингизни яхшилаш учун парҳезни бошланг. Иложи борича табиий маҳсулотлардан истеъмол қилганингиз маъқул.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Севгилингизга чиройли совғалар харид қилинг. Фарзандларингиз тарбиясига алоҳида эътибор қаратинг.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Орзуларингиздан бири ушалади. Ҳафтанинг биринчи ярмида эса ютуқларингиз билан фахрланиб, дам олинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Олисга сафарга чиқиш тавсия этилмайди. Кўпроқ дўстларингиз билан учрашинг. Ҳар қандай муаммоларингизни ҳал қилиш учун қулай ҳафта.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Фикр билдираётганингизда атрофингиздаги одамларнинг маслаҳатига ҳам қулоқ солинг. Акс ҳолда ҳурматингизни йўқотасиз.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Ҳафта давомида сафарга чиқишингиз мумкин. Либослар харид қиласиз. Лекин маблағингизни тежаб ишлатинг.

# “ХОТИН - АКА”

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

## Тескари ҳикоя



Куала-лумпурдан учган “Боинг” ҳаво кемаси Тошкент аэропортига келиб қўнганида кун оғган эди. Мўминтой халқаро залда интиқ бўлиб тағин бир соатча кутди. Ниҳоят залнинг нариги эшигида Маликаи Турандот кўринди. Ёнида тансоқчиси - “у-шу” бўйича Осиё чемпиони Барчиной.

Мўминтой ҳамма эркаклар қатори хотинини кўзи тўрт бўлиб кутган, соғинган эди. Қўлидаги гулдастани кўтариб, истиқболига югурди. Маликахоннинг лабидан бўса олмоқчи эди, хотини юзини тутиб қўя қолди. Мўминтой кўнгли чўкса ҳам сездирмади.

- Ассалому алайкум, хоним, - деди одоб билан. - Зиёратлар қабул! Яхши келдингизми?

Маликахон аёлларга хос вазминлик билан “дуруст” дедию, зина томон йўналди.

Тўртовлашиб пастга тушдилар. Яп-янги “БМВ”нинг эшиклари очиқ турар, ҳайдовчи белгиланган тартибга биноан рулда қилт этмай ўтирарди. Мўминтой Маликахоннинг ёнига ўтирмоқчи эди, хотини “шўпирнинг олдига ўтираверинг”, дегандек имо қилди. Ўзи тансоқчиси билан орқа ўриндиқдан жой олди.

Эркак кишининг кўнгли нозик бўлади. Айниқса, хотинини соғинган эркакнинг. Мўминтой аразлаганини билдириш учун машина эшигини қарсиллатиб ёпти. Маликахон эрининг дили оғриганини сезди.

- Умидчик қалай? - деди жилмайиб.

Мўминтойнинг кўнгли ёришди.

- Юрибди чопқиллаб, - деди ортига ўгирилиб. Сўнг бунақа пайтда аёлни “эритиш” учун барча эркаклар айтадиган гапни такрорлади. - Сизни шунақанги соғинган, шунақанги соғинган! Ҳар куни боғчадан келиши билан “аяжоним қанила”, деб ҳарҳаша қилади. бола ичикиб қолмасайди, деб қўрқаман, хоним!

Уйга етгунча бошқа гаплашмадилар. Қўшқаватли дарвозадан кирдилар. Маликахон имо қилган эди, Барчиной ёнбошдаги хонага кириб кетди. Бу - тансоқчиларнинг хос хонаси бўлиб, тартибга кўра Маликахон таклиф қилмагунча улар хонадан чиқишмасди.

Эр-хотин... кечирасиз, хотин-эр иккинчи қаватга чиқиб, арабий гиламлар тўшалган ётоққа кирдилар. Мўминтой Маликахонга соғинч тўла кўзлари билан мўлтираб термулди. Маликахон денгизда кўп чўмилган бўлса керак, юзлари тиниқлашиб, янада очилиб кетган эди.

- Яхши келдингизми, хоним, чарчамадингизми? - деди эркакларча тавозе билан.

- Чарчаганда нима? - деди Маликахон зардасиз оҳангда. - Самолётда саккиз соат учишнинг ўзи бўладими? - Сауна тайёрми?

- Тайёр! - деди Мўминтой ҳозиржавоблик билан. - Тошпўлат пешинда ёқиб қўйган.

- Яхши.

Маликахон энди ечинаётган эди, йўлак томондан эркак кишининг ийманибгина йўталгани эшитилди. Мўминтой билди: бу - уй хизматчиси Тошпўлат эди.

- Нима гап? - деди йўлакка чиқиб.

- Умиджонни боғчадан обкелувдим, - деди Тошпўлат пичирлаб. - Кираверсинми?

Мўминтой хотинидан берухсат нима дейишини билмай турган эди, ичкаридан халат кийган Маликахоннинг ўзи чиқиб келди.

- Қани Умидчик? - деди ҳаяжонланиб.

Тошпўлат лўмбиллаб зинадан тушиб кетди. Зум ўтмай уч яшар Умиджон узун йўлак бошида кўринди. Маликахон: “Болажоним, бормисан?” деб қучоқ очган эди, Умиджон негадир онасига эмас, “адажо-о-он” деб отасининг бағрига отилди. Мўминтой хотинининг олдида қаттиқ изза бўлди. Бу нимаси, худди ўргатиб қўйгандек...

- Аяжонингни ўпмайсанми, жиннивой! - деди болани эркалаб. - Ҳар куни “аяжоним қачон келадила”, дердинг-ку!

- Мен сенга пультли самолёт обкелдим, Умидчик, - Маликахон шундай деб ётсираброқ турган болани бағрига босди. Икки юзидан ўпаётиб, бирдан жиддий тортди.

- Пешонасига нима қилди? - деди гоҳ эрига, гоҳ Тошпўлатга қараб. - Нега ғурра бўлди?

- Ҳеч қиси йўқ, - деди Мўминтой айбдор оҳангда. - Боғчада Лола деган қиз билан уришибди. Бола-да, бола...

- Неча марта айтаман, Умид қиз болалар билан ўйнамасин, деб! Бу - ўғил бўлса. - Маликахон таҳдид билан Тошпўлатга қаради. - Ҳой, мўйлов! Болага қарасанг, ўласанми?! Уч юз долларни бекорга олаяпсанми, тўнка!

- Узр, бекам! - деди Тошпўлат ерга қараб. - Иккинчи такрорланмайди!

- Агар шу боланинг бир жойи тирналса, мўйловингни узиб қўлингга тутқазаман, тушундингми?

Тошпўлат “Хўп бўлади, бекам, хўп бўлади”, деганча орқасига тисарилиб, зинадан тушиб кетди.

...Маликахон икки юзи шафтолидек қизариб саунадан чиққанида емакхонада кечки овқат тайёр эди.

- Чучвара қилдим! - деди Мўминтой мақтаниб. - Ўз қўлим билан! Холмат яхши ошпаз бўлгани билан хамир таомга уқуви йўқ.

Хотинини соғинган эркакнинг қўли ширин бўп кетарканми, Мўминтойнинг чучварасига гап йўқ эди! Ҳар биттаси нари борса данакдек! Бунақанги чучвара тугишга фақат эркак кишининг қўли келишади!

Мўминтой таомдан аввал буфетдаги шотланд вискисидан қадаҳга қуяётган Маликахонга: “Қўйинг, шуни ичмасангиз бир нима бўладими?” деб дашном бергиси келди-ю, тилини тийди. Ичгиси келган аёлнинг шаштини қайтариб бўларканми?

Эр-хотин... кечирасиз, хотин-эр иштаҳа билан овқатланишди.

- Ўзим ҳам сизнинг чучварангизни соғингандим, бегим, - деди Маликахон. - Нуқул балиқ, криветка еявериш жонга тегди.

Мўминтой “бегим” деган эркаловчи сўзни эшитиб, эриб кетди. Эркак кишига нима керак? Бир оғиз ширин сўз, бир оғиз мақтов...

- Хоним, - деди мулойим табассум билан. - Қанийди ҳеч қаёққа бормасангиз, ёнимда ўтирсангиз-да, ҳар куни оғзингизга ёқадиган таомлар пишириб берсам...

Мўминтой ҳарчанд эркаланиб гапирмасин, Маликахонга малол келгандек бўлди.

- Унда бизнесни ким юритади, оилага ким бош бўлади, хўжайин?

Хотини “хўжайин” деган сўзни истеҳзо билан айтганини Мўминтой тушунди. Эркак киши сезгир бўлади). Вазиятни юмшатиш учун гапни бурди.

- Хоним, - деди сирли қилиб. - Қаранг, баҳор ҳам келди...

- Шунақами? - Маликахон ипдек қошини чимирди. - Денгиз бўйидаги мамлакатларда баҳор билан ёзнинг фарқи бўлмайди...

- Шунақасиз-да, хоним! - Мўминтой аразлаб лабини бурди. - Сиз баҳорниям билмайсиз...

- Хўп, баҳор келса нима бўпти? - сўради Маликахон.

Эркак кишининг хаёли камбағалнинг ҳовлисига ўхшайди. Камбағалнинг ҳеч вақоси йўқлиги учун ҳовлиси кенг кўрингандек, эркакнинг орзу-хаёллари ҳам чегара билмайди.

- Эсингиздами... - Мўминтой орзумандлик билан хўрсинди, - Тўрт йил олдин айни шунақа баҳор пайти, Умиджон туғилишидан олдин, “кўк сомса егим келаяпти”, дегандингиз. “Жоним билан пишириб бераман”, десам, “Йўқ, ўзим қиламан”, деб “мадор сомса” пиширгандингиз... Бирам ажабтовур сомса бўлгандики! Ҳалиям мазаси оғзимда турибди!

Эри кўзларини сузиб, шу қадар эркаланиб гапирдики, Маликахоннинг меҳри товланди.

- Сиз “мадор сомса” ейман дейсиз-у, биз йўқ деймизми, бегим! - деди аёлларга хос қатъият билан. - Фақат ичига нима солишни эслатиб қўйсангиз бас! Эртагаёқ “телех”лар билан Олой бозорига тушиб, ҳаммасини ест қиламан, эржон!

Мўминтой яйраб кетди.

- Бозорга бораси-и-з, - деди жилмайиб. - Кўкат растасига кирасиз. Бир боғ кўк пиёз, салапан халтачада ялпиз, бир боғ жағ-жағ...

- Ниманинг жағи? - деди Маликахон тушунмай.

- “Жағи” эмас, жағ-жағ! - деди Мўминтой. - Шунақа кўкат бор! Турган-битгани витамин! Кейин, жиндай йўнғичқа, яъни беда, икки боғ “мадор”... Паркентнинг “мадор ўти” бўлсин. Хушёр бўлинг, тағин чалғитиб, қўлингизга хрен-прен тутқазиб юборишмасин!

- Хренни сиздан яхши биламан! - деди Маликахон. - Аннақа... бодрингга ўхшаган нарса-да! Жигарранг.

- Сиз бақлажонни айтаяпсиз. Хрен дегани эшакнинг қулоғига ўхшаган бўлади. Илдизи тузловга солинади. Мадор ўтнинг барги ингичка, узун бўлади...

Маликахоннинг уяли телефони жиринглаб, гапнинг белига тепди. Нариги томондан “Алё-ё-ё Малика Турандатовна!” деган чийилдоқ овоз келиши билан Маликахоннинг юпқа лаби титраб кетди.

- Ҳой, мегажин! - деди паст, аммо таҳдидли оҳангда. - Эрталаб ровно соат ўнда банкка борасан! Лично ўзинг бориб, ўн саккиз миллионни менинг счётимга ўтказмасанг, малла сочингни битталаб юламан! Пулни ўтказиб, менинг е-мэйлимга поручение номерини юборасан! Хотин кишининг гапи битта бўлади, тушундингми?!

Мўминтой хотинининг важоҳатини кўриб қўрқиб кетди. Эсли эр аччиғи чиққан аёлидан нарироқ юради, деган қоидага амал қилиб, болани ухлатиш баҳонасида зиппиллаб чиқиб кета қолди.

Қайтиб кирса, Маликахон сигарет тутатган кўйи тажанг бўлиб, яна рақам тераётган экан. Охири телефон уланди шекилли, чеҳраси ёришди.

- Алло, Киото? - деди суҳбатдоши рўпарасида тургандек табассум билан. - “Самурай корпорейшн”! Алло, Такамури-сан!

Шу кўйи чорак соатча гаплашди. Ниҳоят “компаньони” билан бир тўхтамга келишди, чоғи, “О кей! Сенкью. Бай-бай!” - деб ором курсига суянди.

Мўминтой аста келиб хотинининг елкасидан қучди. Бошига эгилиб, сочидан таралаётган муаттар бўйни ҳидлади. (Эркак қавми ҳидга ўч бўлади. Фақат бегона ҳидни тез пайқаши чатоқ). Ҳозир ҳам Маликахондан ёт ис келгандек бўлди-ю, хушёр тортди. Маликахон ҳам чарчаб турганиданми, кайфияти йўқми, юзини ўгирди.

- Шу... эркак зоти қизиқ-да, - деди ижирғаниброқ. - Айни ишинг кўп пайтида мушукка ўхшаб оёғингга суйкалади!

- Доим шунақа қиласиз! - Мўминтойнинг кўзида ёш ғилтиллади. - Шуям умид билан бир ёстиққа бош қўйган, демайсиз! “Такамури”ми, “Эчкимури”ми, ўшалардан қолманг, хўпми? Эркак экан, деб бир муштипарни эзаверасизми?

- Бўлмаса, мен бола боқиб ўтирай-да, сиз кўчага чиқиб пул топиб келинг, - деди Маликахон зарда билан. - Дунёнинг у бурчидан бу бурчига бўзчининг мокисидек қатнанг! Шартномалар тузинг! Банк билан ишланг. Божхона билан муомала қилинг! Тағин нима керак сизга, хўжайин. Еганингиз олдингизда, емаганингиз ортингизда бўлса! Тагингизга машина обериб қуйган бўлсам. Қиладиган ишингиз бир болага оталик қилиш экан, - у жаҳл билан юзини ўгирди. - Битта бола туғдириб қўйиб мақтанганига ўлайми? Қиз бола туғдирсаям майлийди.

Мўминтой аразлаб чиқиб кетаётган эди, телефон жонивор яна жиринглади. Гўшакдан эркак кишининг ғўлдираган овози эшитилди:

- Салом алейкум, миссис Малейка!

- О-о-о, мистер Аҳмадий! - Маликахон бир зумда жаҳлдан тушди-ю, очилиб-сочилиб узоқ гаплашди. Айниқса, хайрлашар чоғида айтган гапи Мўминтойнинг жон-жонидан ўтиб кетди.

- Ай лав ю, хабибий, мистер Аҳмадий! Ай лав ю! Гуд бай!

Уйда ўтирган эркакнинг сериалдан бўлак нима эрмаги бор?

Мўминтой ҳам ярим йиллаб чўзиладиган ажнабий сериалларни кўравериб, инглизчани бинойидек тушунадиган бўлиб қолган, “ай лав ю” - “мен сени севаман” degани эканини биларди. Устига-устак бултур ётоқдаги гиламни келтирганида Маликахон: “Бу “Аҳмадий” фирмасининг гилами, уч минг доллар туради”, деб огоҳлантиргани эсида эди.

**(Давоми 12-бетда)**




*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*



**Eldor RAZZOQOV.**
**Navoiy viloyati, Qiziltepa tumanidagi 1-maktabning 7 «A» sinf o'quvchisi.**

## MENING KUNIM ZO'R O'TADI



*Erta tongdan turaman,*
*Yuz qo'limni yuvaman.*
*Askarlar kabi tezda,*
*Men ham kiyinaman tezda.*

*So'ngra nonushta qilib,*
*Maktab tomon shoshaman.*
*Maktabda a"lo o'qib,*
*Bilimim oshiraman.*

*Kundalikga boqing tezda,*
*Siz ko'ringda beshlarimni.*
*Men katta bo'lganimda,*
*Askar akamdek bo'laman.*

**Mahmud HAKIMOV.**
**Toshkent shahri, Yunusobod tumani, 239-maktabning 8 "B" sinf o'quvchisi.**

### VATAN

Vatanparvar bo'l do'stim,
Sadoqat-la xizmat qil.
Uni sevib, ardoqla,
Buni o'z burching deb bi.

Vatan tuprog'i aziz,
Giyohi dardga darmon.
Vatan ota-onadir,
Ular kabi mehribon.

Vatan degan aslida,
Tug'ilib o'sgan joying.
Kindik qoning to'kilgan,
Unga fido bo'lsin joning.

**Sohiba SHIXNAZAROVA.**
**Xorazm viloyati, Qo'shko'pir tumani, 29-maktabning, 9 "A" sinf o'quvchisi.**

### ONA

*Asaldan shirin so'zi,*
*Bizga mehribon o'zi,*
*Dunyoda eng buyuk zot*
*U kim aniqla Dilshod?!*
*Dilshod aytar bu onam,*
*Onam bilan nurafshon olam.*
*Onam allasidan dil qonadir,*
*Bizlar uchun kim quvonib-yonadir,*
*Onamdir-ul, onamdir-ul, onamdir.*

### O'ZBEKISTON

*Ajdodlardan qolgan buyuk merosim,*
*Kindik qonim tomgan aziz tuprog'im.*
*Jon-u tanim fido senga doimo,*
*Onajonim, sen mening, O'zbekiston.*
*Men seni jon dildan sevaman Vatan,*
*Sening tinchliging bo'lsin abadiy.*
*Sen uchun jon fido qilaman har dam,*
*Buyuk turonim mening, O'zbekiston!*

**Nazirabonu ATAXANOVA.**
**Xorazm viloyati, Xonqa tumani, «Al-Xorazmiy» nomli maktab-internat o'quvchisi.**



**Omongeldi DARYABOYEV.**
**Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani, 160-maktabning 9 "B" sinf o'quvchisi.**



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?




### НАФАС ОЛГАНДАГИ ҲАВО НИМА БЎЛАДИ?

Биз бурун ва оғзимиз ёрдамида нафас оламиз ва ҳаво бўғиз ҳамда қизилўнгач орқали ўтиб, ўпкага тушади. Ҳар бир ўпкамизда алвеол деб номланувчи 300 миллион донадан ортиқ майда пуфакчалар мавжуд. Айнан алвеолларда ҳаво ва қон ўртасида газ алмашинуви жараёни кечади. Ҳаводаги кислород алвеолни қоплаган майда қон томирлари – капиллярларга ўтиб, ундан қонга тушади. Кислород ўрнига эса қондан карбонат ангидрид гази ажралиб чиқади ва нафас чиқарганимизда алвеолдаги ҳавога қўшилиб ташқарига чиқариб юборилади.

### ЎПКАГА ҚАНЧА ҲАВО СИҒАДИ?

Меъёридаги, осуда нафас олишда ўпкага 0,5 литр ҳаво сиғиши мумкин. Бундан кўринадики, бир дақиқада ўпкамиз орқали ўртача 8-12 литр ҳаво ўтар экан.



Инсон бирор бир кучли жисмоний ҳаракатни бажарганида танага кўпроқ кислород зарур бўлади. Бундай пайтда эса ўпкага 2 литргача ҳаво сиғади. Бир дақиқада эса ўпка орқали 100 литргача ҳаво ўтади. Бунинг боиси, кучли жисмоний ҳаракатлар пайтида инсон одатдагидан тўрт марта тезроқ ва кўпроқ нафас ола бошлайди.

### НЕГА АКСА УРАМИЗ?

Инсон турли сабабдан акса уриши мумкин. Одатда нафас йўлларига нимадир, масалан чанг тушиб, нафас олишни қийинлаштирганда акса урилади. Бунда миядан нафас олишга халақит бераётган ёт таъсирни ташқарига чиқариб ташлаш тўғрисида буйруқ келади. Асаблар бу буйруқни нафас олиш аъзоларига етказади ва улар куч билан ҳавони ташқарига ҳайдашади. Шу пайтда одам акса уради.

Нафас олиш йўллари аллергия ёки тумов таъсирида яллиғланганидан ҳам худди шу жараён кузатилади.

### ҚОН НЕГА КЕРАК?

Қон ўзига хос тўқималар: қизил ва оқ қон шарчалари(таначалари) ҳамда тромбоцитлар билан бойитилган суюқ плазмадан иборат бўлади. Агар инсон танасидаги қоннинг катта қисмини йўқотса, у ўлади. Қон жуда кўплаб вазифаларни бажаради, уларнинг барчасини санаб ўтиш мушкул. Мана улардан айримлари:

- Танамиздаги барча тўқималарни кислород ва озуқа моддалар билан тўйинтиради;
- Танамиздан карбонат ангидрид гази ва тўқималар фаолиятининг қолдиқларини чиқариб ташлашга ёрдам беради;
- Танамизни турли дардлардан ҳимоя қилади. Бу вазифани оқ қон таначалари-лейкоцитлар бажаради. Улар танани турли инфекциялардан ҳимоя қилувчи моддалар ишлаб чиқариш хусусиятига эгадирлар.

Қизил қон таначалари эритроцитлар эса тана бўйлаб кислород ташиб юради. Булардан ташқари қон тананинг ҳароратини ҳам меъёрлаштириб туради.

### ҚОН ҚАНДАЙ АЙЛАНАДИ?

Инсон танасида катта ва кичик қон айланиш тизими бўлиб, қон артерия ва вена томирлари орқали оқиб туради. Қон артериялар орқали юракдан чиқиб танани айланади ва вена орқали яна юракка қайтиб келади.

Кичик қон айланиш тизими юрак ва ўпкаларни боғлаб туради. Ўпка артерияси орқали юракдан ўпкага карбонат ангидрид гази билан тўйинган қора қон келиб тушади; бу ерда у кислород билан тўйиниб, ёрқин қизил ранга киради ва ўпка венаси орқали яна юракка қайтиб кетади.

Катта қон айланиш тизимида эса кислород билан тўйинган қон тананинг бошқа барча аъзоларига – жигарга, буйракка, ичакларга, ҳамма мушак ва тўқималарга етиб боради. Юракдан аорта номли артерия чиқади. У жуда кўп қон томир тармоқларига эга. Юрак мушаклари куч билан аортага қонни ҳайдаб беради. Аортага тушган қон ундан томирлар орқали тана бўйлаб тарқалади. Тўқималар қон таркибидаги барча кислородни олиб бўлгач, қон яна юракка қайтиб келади ва жараён бошидан бошланади.

### АЛЛЕРГИЯ НИМА?

Баъзи одамларнинг организми турли моддаларнинг таъсирига ўта сезгир бўлади. Ана шу нарсалар таъсир кўрсатганда танада нохуш ўзгаришлар ва оғриқли белгилар кузатилади. Бу ҳол тиббиётда аллергия деб аталади.

Кўпчилик одамларда аллергия баҳорда ўсимликлар гуллаган пайтда бошланади, чунки бу даврда ҳавода гулчанг миқдори жуда кўп бўлади. Бунда одам мунтазам акса уради, бурнидан сув келади, баъзи ҳолларда қон ҳам оқиши мумкин, ҳатто бўғма хуружи кузатиладиган ҳолатлар ҳам учрайди. Одамнинг нафас олиши ўта қийинлашиб қоладиган аллергиягина хавфли ҳисобланади.



Шунингдек, турли таомлар, дорилар, айрим ҳайвонларнинг жунлари ёки улардан тўқилган матолар ҳам аллергия қўзғатиши мумкин.

**ДАРМОН тайёрлади.**

**Эркаклар ғазаби нималарга олиб келиши мумкин? Йўқ биз уруш-жанжал ёки “йигитчасига гаплашиб қўйиш” ҳақида эмас, балки ҳаддан ортиқ асабийлашиш эркакларнинг ўзлари учун қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлиги тўғрисида сўзламоқчимиз.**

# ҒАЗАБИНГНИ ЖИЛОВЛА!

Маълум бўлишича, ғазабнок, тунд ва тажовузкор эркаклар бошқаларга қараганда юрак-томир касалликлари ва диабетга кўпроқ чалинар экан. Америкалик олимлар кучли ҳиссий-руҳий зўриқишлар эркакларда бошқа касалликларни ҳам юзага келтирувчи омил эканликларини аниқлаганлар.

Бундай тадқиқотларда АҚШнинг Вьетнамга қарши олиб борган урушида қатнашган 313 та ветеран иштирок этган. Шифокорлар 10 йил давомида уларнинг соғлиғи ҳолатини ўрганиб борганлар. Масалан, уларнинг қони намуналари ўрганилган, психологик тестлар натижалари кўриб чиқилган, С3 ва С4 оқсиллари даражаси ўзгариши кузатилган. С3 ва С4 шамоллаш маркерлари ҳисобланиб, организмда уларнинг кўпайиб кетиши яра ва инфекциялар пайдо бўлишини келтириб чиқараркан. Бошқаларга нисбатан душманлик



ҳисси юқори бўлган ва депрессия (диққинафаслик) ҳолати аломатларига эга эркакларда иммун тизимида мунтазам шамоллаш аломатларини кўрсатувчи С3 оқсили даражаси 7,1% га ортган. Айнан ушбу оқсилнинг кўпайиши бу эркаклар юрагининг соғломлигига ҳам салбий таъсир кўрсатган.

Шундай қилиб, узоқ вақт мобайнида атрофдагиларга нисбатан тез-тез душманлик кайфиятида бўлиш ва депрессиялар эркакларнинг иммун тизимига зарар етказади ва бундай одамларни юрак касаллигига дучор бўлиш таваккали кўп бўлган кишилар сирасига киритишга асос бўлади. Бунинг устига эркаклардаги салбий ҳислар иккинчи тип диабет ривожланиши ва юқори қон босими билан бевосита боғлиқ эканлиги ҳам аниқланган.

Шундай экан, бўлар-бўлмасга сиқилавериш, баъзан “фалончида аламим бор эди”, “писмадончининг бир попугини пасайтириб қўйиш керак” қабилида иш тутиш жоизмикан. Ахир шундай кайфиятда юришнинг ўзиёқ соғлиққа зарар экан-ку.

**Н. ИМОМОВ тайёрлади.**

# САДОҚАТЛИ ИНСОНМИСИЗ?

***Лондондаги Авлиё Томас шифохонаси мутахассисларининг аниқлашларича, эркакларнинг турмуш ўртоғига хиёнат қилиши аксарият ҳолларда наслдан наслга ўтар экан. Қуйидаги тест эркакларнинг ўз наслий одатларини жиловлай олишга қодир ёки аксинча, турмуш ўртоғига хиёнаткор эканлигини аниқлашга ёрдам беради.***

**1.Яқин дўстларингизнинг аксарият қисмини кимлар ташкил этади?**
А) Фақат эркаклар(5 балл);
Б) Фақат аёллар(1 балл);
В) Тахминан 50/50(3 балл).

**2.Турмуш ўртоғингиз билан тез-тез тортишиб қоласизларми?**
А) Биз деярли тортишмаймиз(3 балл);
Б) Ҳафтасига камида бир марта тортишиб қолишимиз мумкин(5 балл);
В) Бу биз учун кундалик одат(1 балл).

**3.Турмуш ўртоғингиз билан суҳбатлашишга қанча вақт ажратасиз?**
А) Кунига 10 дақиқа(3 балл);
Б) Ҳафтасига 10 дақиқа(1 балл);
В) Кунига 1 соат ва ундан ортиқ (5 балл).

**4.Сизнинг қаётингизда ким (нима) муҳим ўрин тутади?**
А) Турмуш ўртоғингиз (5 балл);
Б) Дўстларингиз (3 балл);
В) Ишингиз (1 балл).

**5.Дўстларингизникига тез-тез бориб турасизми?**
А) Ҳафтасига уч мартадан ортиқ (5 балл);
Б) Ҳафтасига 1-2 марта (3 балл);
В) Ойига 2-3 марта (1 балл).

**Энди тўплаган балларингизни ҳисоблаб чиқинг.**

**20-25 балл.** Сиз меҳрибон, саҳий, киришимли, лекин турмуш ўртоғингизни ҳамма нарсадан устун қўядиган инсонсиз. Турмуш ўртоғингизга хиёнат қилмайсиз, аммо бутун куч-ғайратингизни муносабатларингизнинг мустаҳкам бўлишига бағишлаб, ҳаётингизнинг бошқа қирраларини ёддан чиқариб қўймаяпсизмикан-а? Ишонч, уни синаб кўриш имконияти бўлгандагина кучайишини унутманг.

**11-19 балл.** Баъзи-баъзида бардошингиз сусайиб, ўзингиз таниган-билган аёлларнинг исмларини санаб турмуш ўртоғингизнинг рашкини келтиришга уринасиз. Муносабатларингиз янада яхшироқ ва мустаҳкамроқ бўлиши учун, ҳеч бўлмаса, ҳафтада бир кунингизни дўстларингиз билан чойхонада гурунглашишга эмас, турмуш ўртоғингизга ажратинг. Шунда ўрталарингиздаги ишонч янада ортади, ҳар хил шубҳа-гумонларга ўрин қолмайди.

**5-10 балл.** Сиз аёл киши билан бўладиган узоқ муддатли муносабатларни тасаввур қилолмайсиз, шекилли. Шу боис хиёнат ҳаётингизнинг ажралмас қисмига айланиб қолган, дейиш мумкин. ҳар доим биринчи ўринга дўстларингизни ёки ишингизни қўясиз, ўзгаришга эса уриниб ҳам кўрмагансиз. Агар ўз қарашларингизни ўзгартирмасангиз, ҳаётнинг иссиқ-совуқ, аччиқ-чучук кунларида бирга бўладиган умр йўлдоши топишингиз қийин кечади.

*Тестлар*

# ГЎЗАЛЛИКНИ ҲИС ҚИЛА ОЛАСИЗМИ?

***Қуйидаги саволларга тўғри ва тўлиқ жавоб берсангиз, ўзингизнинг ҳамда гўзалликни ҳис қилиш қобилиятингиз қай даражада эканлигини билиб оласиз.***

**1.** “Тон” ва “нюанс” сўзлари ўртасида фарқ бор, деб ҳисоблайсизми?
**2.** Шинам ва саранжом-саришта бўлмаган, зерикарли хонадонда яшай оласизми?
**3.** Модага қараб эмас, балки фақат ўзингизга ёққан кийимларни киясизми?
**4.** Расм чизишни ёқтирасизми?
**5.** Қуйидаги исмлар сизга нимани-дир англатадими: Мане, Камолиддин Беҳзод, Дали, Ван Дейк, Шопен, Бах?
**6.** Хатингиз жуда ҳам хунукми?
**7.** Доим бир хил рангдаги кийимлар кийишга интиласизми?
**8.** Музей ва театрларга боришни ёқтирасизми?
**9.** Қуёш ботишини томоша қилиш учун йўлингиздан тўхташингиз мумкинми?
**10.** Геометрик шакллар чизиб ўтиришни ёқтирасизми?
**11.** Тез-тез бадиий кўргазмаларга бориб турасизми?
**12.** Кўчаларда шунчаки сайр қилиб юриш сизга ёқадими?
**13.** Ёлғизликни ёқтирасизми?
**14.** Даврада кимдир ёддан шеър ўқий бошласа, бу сизга ғалати туюладими?
**15.** Мусиқани шунчаки вақт ўтказиш учунгина тинглайсизми?
**16.** Гўзал манзаралар узоқ вақт ёдингизда сақланиб қоладими?
**17.** Денгиз тошлари чиройли бўлади, деб ҳисоблайсизми?
**18.** Янги давраларни ва янги танишлар орттиришни ёқтирасизми?
**19.** Овоз чиқариб шеър ўқиш, хиргойи қилиш сизга ёқадими?
**20.** Сизда ҳеч уйингизнинг деворларига турли расмлар чиздириш хоҳиши туғилганми?
**21.** Соч турмагингизни тез-тез ўзгартириб турасизми?
**22.** Уйингизда жиҳозларнинг жойини тез-тез ўзгартириб турасизми?
**23.** Бирор марта бўлсин қўшиқ учун шеър тўқишга уриниб кўрганмисиз?
**24.** Сиз шеър ёзасизми?

**Натижа қуйидагича ҳисобланади:**

1, 3, 4, 5, 7, 8, 9, 11, 12, 13, 16, 17, 19, 20, 21, 22, 23, 24 саволларга “ҳа” деб жавоб берган бўлсангиз, 1 бал “йўқ” деган бўлсангиз, 0 балл қўясиз.

2, 6, 10, 14, 15, 18 саволларга “йўқ” жавобини берган бўлсангиз, уларга ҳам 1 баллдан, “ҳа” деган бўлсангиз, 0 балл қўйиб чиқасиз.

**16 баллдан ортиқ.** Бир нарсани аниқ айтиш мумкин: сизда ижодкорларга хос бўлган гўзалликни ҳис этиш туйғуси мавжуд.

**8-16 балл.** Гўзаллик сизни бефарқ қолдирмайди, баъзи-баъзида хаёлларга берилишни ёқтирасиз. Аммо сиз мулоҳазакорсиз, бефойда гўзалликни тан олгингиз келмайди.

**8 баллдан кам.** Гўзал манзара, қуёшнинг ботиши ёки чиқиши сизни ўзига мафтун этишига ишониш қийин. Бир ўйлаб кўринг, шундай яшаш мумкинми?

**ДАРМОН тайёрлади.**

# “ХОТИН - АКА”

**(Боши 7-бетда)**

- Аҳмадийни “ай лав ю” қилсангиз мени нега ушлаб турибсиз, хотинхўжа?! - деди алам билан. - Мард бўлсангиз жавобимни беринг! Ҳали қарасанг “Такамури”, ҳали “Арнольд”, ҳали “Аҳмадий”. Бўлди! Жонимдан тўйдим!

Маликахон баланд келди:

- Эркак кишига бало борми аёлларнинг ишига аралашиб, а? Бизнес дегани шунақа бўлади, эси паст одам! Бирини “жоним” дейсан, бирини “азизим” дейсан, бири билан ёқа бўғишасан. Бўлмаса, нон еёлмайсан!

- Нима, мени “лох” деб ўйлаяпсизми? - Мўминтой ҳиқиллаб йиғлаб юборди. - Бўлди! Отамникига кетаман! Битта болам билан кўчада қолмасман! Отамнинг тор бағрига сиққан кенг уйига сиғмайманми?

- Отангизнинг кўзи учиб турибди! - Маликахон қўл силтади. - Икки хонали “хрушёвка”сига тўртта товуқ кирса, нафаси қайтиб учтаси ўлиб қолади-ю, накдлаб қўйибдими сизга? Пенсияси бир кун кечикса почтахонанинг эшигига бориб пойлаб ўтирадиган отангиз сўлақмондек қилиб боқсинми, сизни?! Кенг уйнинг куёвчаси бўлиб ўтирганингизга шукр қилсангиз-чи, бойвачча!

- Очимдан ўлмасман! - Мўминтой кўз ёшини рўмолчага артди. - Зўр келса мардикор бозорга чиқаман! Бировнинг уйини супурарман, бировнинг кирини юварман, бир куним ўтар...

- Ўтадия-ўтади! - Маликахон асабий кулди. - Байталдек ғижинглаган ҳар хотинлар борки, дераза тозалайсиз, деб обкетади-да, шунақанги “ишлатадики”, бир ойгача беланги бўлиб юрасиз!

Мўминтой мунғайиб қолди. Эркак барибир андишали бўлади-да! Ўзи-ку, майли бир куни ни кўрар, хотинидан ажраса боланинг ҳоли нима кечади? Умиджонни обкетса, таъминлаши керак. Ташлаб кетай деса ўғлисиз бир кун ҳам яшолмайди. Шу ёғини ўйлаб бир гапдан қола қолди. Маликахон ҳам ошириб юборганини сезди чоғи, бироздан кейин ёнига келиб, бошига эгилди.

- Менгаям осон тутманг, бегим, - деди қандайдир синиқ оҳангда. - Ҳамма нарсанинг тош-тарозуси бор. Пул топиш осонми?

- Пул ўлсин, аяси, пул ўлсин! - деди Мўминтой йиғламсираб.

Чамаси шу гапида ҳамма дарди мужассамдек эди. Маликахоннинг эрига раҳми келди. Аммамнинг бузоғига ўхшаган лаллайган бўлса-да, беозоргина, муштипаргина бўлиб, қўли косов, мўйлови супурги - хизматини қилиб юрибди-ку, ахир! Шуни ўйлаб эрининг бошини силади.

- Ўзимнинг Мўминчигим! - деди эркалаб. - Мен сизни ҳеч кимга алишмайман, жоним!

Ана, бўларкан-ку! Мўминтойнинг чеҳраси баҳор қуёшидай чарақлаб кетди. Эркак киши шуда! Ёлғонлигини билиб турсаям ширин гапга ишонгиси келади. Начора, ишонмай иложи ҳам йўқ-да!

Эр-хотин... кечирасиз, хотин-эр энди бир-бировига қучоқ очишган эди, болалар хонасидан Умиджоннинг ғингшигани эшитилди. Зум ўтмай баралла овозда йиғлаб юборди.

- Адажон-о-он, гаршо-о-ок!

Мўминтой зипиллаб жўнаб қолди. Болани тўсиб келиб ётқизди шекилли, бўғиқ товушда айтаётган алласи эшитилди:

***Алла болам, алла-ё, алла,***
***Тойчоқ болам, алла-ё, алла.***
***Ғамга ботган бошима алла,***
***Кўзим тўла ёшим-а, алла...***

Бироздан кейин у ёқда Умиджон, бу ёқда Маликахон мазза қилиб уйқуга кетишди...

“Мадор сомса” ҳам насия бўлди. Эртаси пешинда бизнесмен Маликаи Турандот Араб амирлигига учиб кетди...

# ҲАҚНИ ТОПДИМ-У...

***Оналар ҳақида қанча ёзса ҳам кам. Ҳаммамиз оналарни улуғлаш кераклигини биламиз, тушунамиз, лекин баъзида: “Ёнимизда-ку, юрибди-ку”, - деб кўнгилни тўқ қилиб, кўнгил олишга шошилмаймиз. Аммо биз ўйламаган, кутмаган пайтда айрилиқ келади-ю, шундагина она биз учун ёруғ дунёдаги ёлғизгина дўстимиз эканлигини англаймиз. Келинг, дўстлар, англаш учун айрилиқни кутмайлик. Онаизорларимизни йўлимизда интизор қилмайлик.***



Бемалол, тинч яшасин, деб ёлғизгина ўғлини алоҳида қилиб чиқарган Рухсора ая ўғли ҳар сафар келганда келини, невараларининг тинч-омонлигини эшитиб кўнгли таскин топарди.

- Мўминжон анча қулоқсиз бўлган-да, келинингиз уни боғчадан олиб келаётиб, инжиқлик қилгани учун яхшилаб таъзирини берибди, - деб гап бошлади ўғли Муҳсинжон. Мен ҳам боплабсан, дедим.

Аянинг юраги “жиғғ” этди:

- Вой болам-а, яхши иш қилмабди-да. Ҳали уч ёшга кириб-кирмаган болани уриб бўладими? Алдагани бола яхши, дейдилар, юпатса бирпасда кўнади, қолади. Ўзи бу кенжатойинг анча кеч ўтирди, кеч юрди...- деди-ю у ёғини айтолмади.

- Ойи, сиз билмайсиз-да, - деди ўғли онасига овозини баланд кўтариб,-нариги бувиси билан опоқиси роса эркалатишади. Ахир урмаса бола эмас, бало бўлади-ку?! Келинингиз ўзи жуда яхши билади тарбияни. Нима, сизга ўхшаб “айланай-ўргилай” деб ўстирайликми? - дея ўрнидан турди-ю, чиқди-кетди.

Рухсора ая эшик олдида тик қолганича ғалати бўлиб, хўрлиги келди ва ўзига-ўзи: “Ҳа, эсим қурсин-а, хотинига тил теккизиб қуйибман-ку! Ахир хотини-ку, ширинданшакар болаларининг онаси. Мен фақат ҳали тили яхши чиқмаган болани урманглар, демоқчи эдим-ку! Демак, менинг «айланай-ўргилай» деганларим келинимга оғир ботган экан-да!..”

Ўша куни ая тонггача кўз юммади. Гап ўғлининг жаҳл билан туриб кетганида эмас, гап келинида ҳам эмас эди. Ҳамма гап фақат ўзида эди. Гўёки онасига гап қайтарган ўғли эмас, ўзи эди. Ўзи ва онаси билан боғлиқ хотиралар бирма-бир кўз ўнгида жонланди.

Рухсора оиладаги уч қизнинг ўртанчаси эди. Урушдан кейинги оғир йиллар эди, отаси онасини 24 ёшда уч қизалоқ билан ташлаб кетиб, бошқасига уйланган. Рухсора эсини танибдики, онаси уйда аёл, кўчада эркак бўлиб рўзғор тебратар, елиб-югурарди.

Орадан анча йиллар ўтиб, бувисининг қистовлари билан, онаси яна турмуш қилди. Онаси шўрлик Оллоҳдан чин дилдан сўраган эканми, унга ўғиллик бўлиш бахти насиб этди. Унга “Ҳаётжон” деб исм қўйишди. Эҳ, ўша пайтдаги шоду хуррамликларни айтмайсизми? Айниқса, ёш болага ташна бўлган учала опа бири қўйиб, бири бағрига босар, қучар, эркалар, еру кўкка ишонмас эдилар. Рухсора ўшанда 17 ёшда эди, институтга ўқишга кирган пайтлари эди. Унинг назарида ўғиллик бўлган онаси эмас, ўзи эди. Тунлари ўзи севган қўшиқларни айтиб аллалар, қўллари толиб кетгунча бешик тебратар эди.

Ҳаётжон тўрт ёшга кириб, ширин тилли бўлиб, ҳаммани ўзига қаратган пайтида отаси уйдан чиқиб кетди-ю, бедарак йўқолди. Шўрпешона онаси йиғлади-сиқтади, ё аза очмади, ё бирор жойдан изини топмади, охири яна тақдирга тан бериб, рўзғорни тебратиш тараддудига тушди. Ўшанда Рухсора институтни ташлаб ишга кирмоқчи эди. Онаси унамади, розилик бермади. «Мен ўқиёлмадим, болам, майли ўқигин, оламни танигин, одам бўлгин, бу қийинчиликлар ҳам ўтар”, - деб оёқ тирб туриб олди.

Йиллар ўтиб, Ҳаётжон ҳам вояга етди, баланд бўйли қошлари тим қора, хушчақчақ, биров кўрса-кўргудай, ҳавас қилса қилгудай йигит бўлди. Ўртоқлари қатори институтга ўқишга кирди, сўнгра ҳарбий хизматни ўтаб уйга қайтди. Ўзи орзулаган қизга уйлантиришди.

Онажониси учала қизини бирин-кетин узатиб, ёлғизгина ўғли, келини, ширинданшакар неваралари билан яшай бошлади. Лекин бундай бахтнинг умри қисқа бўлди. Ҳаётжон 28 ёшида жигари оғриб, қаттиқ касал бўлди-ю, меҳрибон онажони, мунис опажонларининг юрак-бағрини доғлаб, ҳаётдан кўз юмди.

Ўғлининг ўлимидан сўнг келин бола ҳам совуқ маъракаларни ўтказиб бўлиб, иккала боласини олиб, онасиникига кетиб қолди. Она шўрлик эса ҳайҳотдек ҳовлида ўз дарди, ўз ғаму ғурбати билан ёлғиз қолди. Битта товуққа ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек, она шўрлик етмишдан ошиб саксонга қараб кетган бўлса ҳам, бозор-ўчарга борар овқатини пиширар, кирини ювар, эшик бетини супириб, чинни пиёладай қилиб ўтирарди. Лекин кеч кириб, қоронғу тушганда ёлғизлик, айрилиқ азоби ўтида ёниб-куяр, тунлари тўлғаниб, кўз юммай, тонг оттирар эди. Охири опа-сингиллар маслаҳатлашиб, катта қизи Сабоҳатнинг ўғли Азаматни “бувингга қарайсан, ўғли ўрнига ўғил бўласан, шу уй-жойларга эгалик қиласан”, - деб қолдириб кетишди. Афсус, у йиллар ўтиши билан бувисига ўғил эмас, қолган умрининг эгови бўлди. Икки эшик орасида ўсган Азамат бувиси койиса ўзининг уйига, улар сўкса бувисиникига кетиб қолар, на ўқиш, на ишга қизиқар эди. Ёлғизгина ўғли дардида қовжираб, адо бўлаётган бувисига кун бермас, гапга кирмасди. Онасининг азобларидан тинчини йўқотган Рухсора: “Сизни бу аҳволда қолдира олмайман, энди бизникида яшайсиз”, - деб ялиниб-ёлвориб, ўз уйига олиб келди.

Осмон узоқ, ер қаттиқ экан, нима қилсин, ўз уйига сиғмаган она шўрлик қисиниб-қимтиниб, минг хижолатлар билан куёвнинг уйига келди. Лекин ичида куёв ҳам ўғил-ку; ахир ўғлим, десам бир кун келиб, ўғил бўлар-да, деб ўйлади.

Рухсора уйига онасини эмас, балки тайёр бепул, беминнат хизматкор олиб келди. Она шўрлик тонг саҳарда турар, нонушта тайёрлар, невараларни мактабга жўнатар, уй тозалар, кир ювар, дазмол қилар, ҳамма юмушни бажарар, хуллас, ўтидан кириб кулидан чиқарди. Кеч тушиб, ҳамма дастурхон атрофида ўтирганда эса олдига қўйилган овқатни қизининг “олинг-олинг”лари билан иймманибгина қўлига олар, “қорним тўқ, яқинда овқатланувдим”, дея зўрғагина “овози чиқмасин”, деб чала-чулпа чайнаб ютарди.

Тунлари эса тўшакда ётиб “ўз уйим, ўлан тўшагим”, деб уйини соғинар, қафасдаги қушдай уясига талпинар эди. Лекин нима қилсин борай, деса боролмайди, “ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога”, деганларидек уйига борса, тўнғич невараси Азамат ичиб, чекиб келиб сочлари қордай оппоқ оқарган бувижонисини тўнғиздай қопар, қувар, сарсону саргардон қилар эди.

Бир куни кечки пайт Рухсоранинг эри Аҳрор зиёфатдан ширакайф келди. Ювиниб олмоқчи бўлиб ҳаммом томонга юрди.

- Тўхтанг, дадаси, ойим таҳорат олаётувдилар, - деди у эрининг йўлини тўсиб. Шунда эри:

- Жонга тегди бу ҳаёт, ўз уйимда бемалол ўтириб-туролмасам, доим қоровул бор.

- Секин, дадаси, секин, ойим эшитиб қоладилар, - деди ҳаммом томонга ишора қилиб.

- Эшитса-эшитар, қўрқадиган жойим йўқ, - деб эри жаҳл билан эшикни тарақлатиб ёпиб кириб кетди.

Бироздан сўнг онаси секин оёқ учида чиқиб, индамай болалар хонасига кириб кетди. Рухсора ҳам эрига чой дамлаб, уни тинчитиб, у-бу ишларни қилиб, кеч ётди, эрталаб туриб қараса, ойисининг тўшаги чиройли қилиб йиғилган, ўзи эса йўқ эди.

Ўшанда Рухсора ичида: “Шу ойим ҳам қариб, инжиқ бўлиб қолдилар, гапирса-гапирибди эрим, неварасига ўхшаб олдига солиб қувмабди-ку!” - деб ўйлаган эди. Камига ўзи ҳам аразлаб салкам олти ой онасиникига бормабди, йўқламабди. Ароқхўр жияни қўлида қолган онасининг маймунлар йиғлаётган аҳволини била туриб хабар олмабди.

Рухсора ўзининг ўша дамлардаги бемеҳрлиги, бефарқлиги, бепарволигини эслар экан, ўпкаси тўлиб, томоғига бир нарса тиқилар юрагининг туб-тубидан “онам-онажоним” деган нидолар отилиб чиқарди.

Оҳ, онажоним! Ўшанда мен нодон фарзандингиз бориб, оёғингизга йиқилсам бўлмасмиди? Қўлларингизни кўзимга тўтиё қилиб суркасам бўлмасмиди? Нодон эмас, олчоқ фарзанд эканман, онажон! Наҳотки, она деган табаррук зотни Оллоҳ фарзандлар доғу-ҳасратида ёниш-куйиш учун, соғиниш, кутиш учун, йўлларида интизор бўлиш учун яратган бўлса?! Оҳ, онажоним, онажон. Рухсоранинг кўзидан ёшлари дарё бўлиб оқар, алам, афсус-надомат ўти қалбини қийнар-ёндирар, куйдирарди.

Йиллар ўтиб, Рухсоранинг ўғил-қизлари улғайиб, ташвишлари ортиб борди. Қизига совчилар келди, унаштирди, куёв томон тўйни тезлатди. Қайнона-қайноталар ўтиб кетишган, тўйбоши бўладиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган одам йўқ. Яна она керак бўлди. Бориб, онасини ялиниб-ёлвориб олиб келди. Она шўрлик нима қилсин, яна: “Болам қийналиб қолмасин”, деб ёш боладай қизининг олдига тушиб келди. Тўй тараддуди бошланди. Онаси туну кун қўлларига игна санчилиб, кўрпа-тўшак қоплар, меҳмон кутар, кузатар, тиним билмай елиб-югурарди. Рухсора эса ишли одам, вақти йўқ, эрта кетиб, кеч келади.

Тўйига уч кун қолганди. Рухсора ўзига яқин, ҳамкасб дугоналарини, яъни нозик меҳмонларни уйга алоҳида чақирди. Она-бола туни билан уриниб, турли хил пишириқлар тайёрлашди. Эртасига туш пайтида Рухсоранинг “нозик” 3-4 та меҳмонлари келишди. Уларни ошхонадан кузатиб турган онаси: “Вой, болам, ҳаммаси бўлиб тўрттагина аёл экан-у, шуларга шунча ташвиш, уринишми?! Ахир бу дастурхонга қўйилган нарсалар тўртта эмас, қирқта одамга ҳам етиб ортади-ку!” - деди. Шунда Рухсора: “Уфф, ойижон, шунга ҳам аралашдингизми, ахир ҳозир сизнинг қаҳатчилик замонингиз эмас-ку! Одамнинг кўнглини олиш осон эканми?” - деди аччиғидан қизариб. Дакки еган боладай индамай қолган онаси бироздан сўнг: “Майли, болам, билганингни қил, фақат ўзингга қийин бўлмасин, исрофгарчилик бўлмасин, дейман-да”,-деди.

Ишхонасидаги аёллар билан салкам тўрт соат чақ-чақлашиб ўтирган Рухсора уларни кузатиб бўлиб, онаси эсига тушди. Югуриб бориб қараса, онаси ичкаридаги нимқоронғу уйда ўғлининг суратига қараб: “Ўғлим, болажоним, нега онангни ташлаб кетдинг. Қариган чоғимда бўзлатиб кетдинг, болажоним, болам!” - деб пиқ-пиқ йиғлар, қўлидаги суратни кўз ёшлари билан ювarди.

Рухсоранинг миясида ўт чақнагандай бўлди.

- Ҳа, ойи, нима гап ўзи, - деди еб қўйгудай тикилиб. - Нега йиғлайсиз? Нима, биринчи тўйимни азага айлантирмоқчимисиз? Қўни-қўшни эшитса, нима дейди? Тўйни эсон-омон ўтказиб олайлик, кейин истаганча йиғлайверинг.

Қизининг аламли гапларига жавоб беролмаган онаси кўз ёшларини енги учи билан артиб, етим боладай индамай туриб, уй ишларига уннаб кетди, аразламади, кетиб қолмади. Чунки қизининг тўйини бузгиси келмади. Рухсора ўша дамларни эслар экан: “Афсус, минг афсус”, - дер эди ўзига-ўзи. “Оҳ, онажон, онажоним, уларни - ўша бир дамлик дўстларимни уйимнинг тўрига чиқариб, сизни эса ҳатто пойгагимга ҳам раво кўрмабман. Рухсоранинг кўксидан отилиб чиққан аламли нидолар нафақат жисмини, балки жонини ҳам қийнар, юрагини тилкаларди.

**(Давоми бор)**

**Раъно ҲИММАТҚУЛОВА,**
**Фарғона Политехника институти ўқитувчиси.**




# ХУШБЎЙ ВА ҚИЗДИРУВЧИ МУОЛАЖАЛАР

***Ошхонангиздаги зираворлар сақланадиган идишларни кўздан кечирсангиз, овқат ҳазм бўлишини яхшилашда, тумов ва гриппда, терини майин ва силлиқ қилишда қўл келадиган бир қанча хушбўй ва қиздирувчи муолажа воситаларини топасиз.***

## ҲАР ҚАНДАЙ ОБ-ҲАВОДА ТЕНГСИЗ

Аксарият зираворлар қиздириш хусусиятига эга бўлиб, улар танада қон айланишини кучайтиради, овқат хазм бўлишини яхшилайди, моддалар алмашинувини меъёрлаштиради. Лекин уларнинг айрим турлари тез ва кучли қиздириши боис халқ табобатида айнан шу мақсадда кенг қўлланилади.

Ана шундай зираворлардан бири долчин (корица)дир. Гарчи унинг мазаси бир қадар аччиқ ва ўткир бўлса-да, болалар долчин қўшилган торт, пирог ва бошқа ширинликларни ёқтиришади. Катталар эса уни чой ва қаҳвага қўшиб ичишни хуш кўришади.

Зираворларнинг қиздирувчи хусусияти ҳақида гап кетганда занжабил (имбир)га тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Мабодо, **сизда доим совқотиб юришга мойиллик бўлса,** пўстлоғидан тозаланган занжабилдан ярим стаканини қирғичдан ўтказиб олинг ва устига стакан тўлгунича асал қуйиб, қайнатинг. Ҳар сафар кўчадан келганда бир пиёла қайноқ сувга мазкур аралашмадан атиги ярим чой қошиқ солиб ичиш керак. Унга шакар ҳам солишингиз мумкин. **Агар тумовлай бошлаганингизни сезсангиз,** занжабилли чойдан сўнг кўрпага ўраниб ётинг.

**Мабодо кучлироқ қиздириш воситасига эҳтиёж сезсангиз,** иссиқ сувга бир чимдим хантал (горчица) кукуни ташлаб, оёғингизни шу сувга 10-15 дақиқа ботириб ўтиринг. Сўнг қалин пайпоқ кийиб, ўраниб ётиш лозим.

**Доим совқотиб юрадиган кишилар** таомномасидан мурч, аччиқ қалампир, дафна(лавр) япроғи, арпабодиён(анис), хантал (горчица) ва қалампирмунчоқ (гвоздика) аримаслиги шарт. Овқатларга мазкур зираворлардан оз-оздан қўшиб истеъмол қилишга одатланинг. Шунда улар сизга иссиқлик ва куч бағишлайди. Аммо сизда жиддий касалликлар бўлса, олдин шифокор билан маслаҳатлашишни унутманг.

## ТАШҚИ МУОЛАЖАЛАР

Кўпгина зираворлар нафақат қиздирувчи, балки улардан компресс ва чайиш воситалари тайёрлаб муолажа қилинади.



➔ **Плевритда** оғриқни сусайтириш учун оғриётган жойларга ханталли (горчица) боғлама қўйиш тавсия этилади.

➔ **Хантал бод, неврит ва ревматизмларда** ҳам яхши малҳам бўлади. Бундай доривор восита тайёрлаш учун 200-400 грамм атрофида хантал кукунини тоғорачада сув билан аралаштириб олиш керак. Сўнг аралашмани сув тўлдирилган ваннага қуйиб, 15 дақиқа ичига тушиб ётасиз. *Бунда сувнинг ҳарорати аёллар учун 39 даражадан, эркаклар учун эса 43 даражадан юқори бўлмаслиги лозим. Юраги суст кишилар 38-39 даражали сувда кўпи билан 3-5 дақиқа ўтирсалар кифоя.*

➔ **Тумов бўлиб қолганда** аччиқ қалампир кукунини картошканинг бўтқасига аралаштириб, бўйинга, кўкракка, оёқ остига ёки қулоқлар ортига қўйиш яхши самара бериши исботланган.

➔ Шунингдек, сиз тайёр дорихона воситаси - қалампирли (перцовий) пластирдан ҳам фойдаланишингиз мумкин. **У остеохондрозда, бод оғриқларида** фойдали. Пластирни оғриқли нуқтага қўйиш лозим. Агар одатдагидан қаттиқроқ куйдира бошласа, пластирни олиб ташлаб, терига вазелин суртиш керак.

➔ **Бўғин ревматизмини даволашда** хантал ва қизил қалампирдан бир вақтда фойдаланган маъқул. Муолажа воситаси тайёрлаш учун 1 стакан ароқ, 1 стакан ошхона сиркаси, 100 грамм хантал кукуни, 2 бош қизил қалампир ёки унинг 2 чой қошиқ кукуни олинади. Буларга яна бир ош қошиқ кунгабоқар ёки зайтун ёғи ва 1 чой қошиқ туз қўшасиз. Ҳаммасини яхшилаб аралаштириб, 2 кун дам бериб қўясиз. Аралашмани оғзи маҳкам ёпиладиган шиша идишда сақлаш лозим. Оғриқли нуқталарга аралашмадан суртиб, жун рўмол билан ўраб қўйиш тавсия қилинади.

➔ **Ревматизм, фалаж, айрим тери касалликлари, қичима кабиларда** дафна(лавр) ёғидан суртма дори, тумовда эса ингаляция воситаси сифатида фойдаланишингиз мумкин. Дафна ёғини уй шароитида ҳам тайёрлаш имконияти бор. Бунинг учун унинг қуритилган барги кукунини эритилган ёғга солиб 15 дақиқа буғда қайнатиш керак. Бундай усулда тайёрланган ёғни қуруқ ва қоронғу жойда 5-7 йилгача сақлаш мумкин. Ҳомиладор аёллар овқатига дафна япроғи қўшиш, дафна ёғидан муолажа сифатида фойдаланиш таъқиқланади.

## ЗАНЖАБИЛ ҲАҚИДА СЎЗ

Занжабил, тўғрироғи, унинг илдизи овқат ҳазм қилишни яхшилашда тенгсиз восита саналади. Занжабилда яна бир қатор шифобахш хусусиятлар бор.

Занжабил ҳатто **ошқозони ўта кучсиз ва ёмон ишлайдиган** кишиларда ҳам овқат ҳазм бўлишини анча яхшилаш ва кучайтириш имконини беради. У **кўнгил айнишининг олдини олишда** ҳам қўлланилиши мумкин. **Қорин дам бўлишида** ҳам занжабилдан фойдаланишингиз мумкин. **Иштаҳангиз йўқолган бўлса,** занжабилдан шарбат тайёрлаб, унга таъбга қараб асал қўшасиз ва ҳар сафар овқатланишдан олдин оз-оздан ичиб турасиз. Ушбу шарбат оғриқ қолдирувчи таъсирга ҳам эга.

Занжабил **тумовнинг олдини олади, юракка фойдаси катта.** Ҳиндистонда лимон қўшилган занжабилли чойни хуш кўриб ичишади.

Овқатларнинг таъмини яхшилаш ва ҳазм бўлишини осонлаштириш учун уларга занжабил қўшиш мумкин. Уни пирог, печенье ва шарбатларга, гуручли таомларга, шўрваларга, айниқса, товуқ шўрвага қўшиш ҳар жиҳатдан фойдалидир.

Занжабил илдизи **эркакларда жинсий қувватни оширишга ёрдам беради.** Бунинг учун занжабилни кукун қилиб туйиб олиб, унга тоза асал қўшилади. Тайёр бўлган шифобахш малҳамдан кунига 2-3 марта ярим чой қошиқдан еб, устидан озроқ сув ичиб юбориш керак.



## ЎЗИМИЗ ТАЙЁРЛАЙМИЗ!

➔ Сизни сурункали **тонзиллит** безовта қилса, қуйидагича бир марта кучли таъсир этувчи муолажа воситасини тавсия этамиз: 3-5 бош чиннигул гулбаргларини олиб, 1 стакан қайноқ сувда қайнатиб олинг. 2 соат дам егач, сузгичдан ўтказиб, бир кўтаришда ичиб юборинг. Мабодо, бир кўтаришда ичишга қийналсангиз, чорак стакандан тўрт бўлиб, аммо орасида катта танаффус қилмасдан ичинг. Бундай дамламадан йилига бир марта ичиб туриш фойдали.



➔ **Бронхиал астмада** 400 грамм занжабил илдизини олиб, пўстлоғидан тозаланг. Сўнг қирғичдан ўтказиб, шиша идишга соласиз ва устига спирт қуйиб, илиқ ёки қуёш тушиб турадиган жойда 14 кун сақлайсиз. Вақти-вақти билан идишни чайқатиб туришни унутманг. Суюқлик сариқ рангга киргандан кейин уни сузиб оласиз ва яна бир муддат тиндириб қўясиз. Ҳар куни 2 маҳал овқатдан сўнг тиндирмадан 1 чой қошиғини устидан уч қултум сув билан ичиб туриш лозим.

➔ **Пневмония ва гриппда** қуйидагича яллиғланишни кетказувчи ва терлатувчи кучли восита тавсия қилинади. 5 бош чиннигул гулбарглари ва 4 бўлак саримсоқ пиёз оласиз. Уларга 1 ош қошиқ шакар, 300 миллилитрдан сув ва кагор виноси қўшасиз. Аралашмани то унинг ярми қолгунча паст оловда қайнатасиз. Кейин уни сузиб олиб, қайноқ ҳолида ичиб юборинг ва ўраниб ётинг. Яхшилаб терласангиз, дарддан асар ҳам қолмайди.

➔ Шунингдек, **ишемияда** юрак фаолиятини яхшилаш учун беморнинг овқатига оз миқдорда арпабодиён (кардамон) қўшиб бериш ҳам тавсия этилади.

➔ **Тананинг муддатидан олдин қаришининг олдини олиш** учун қизил қалампирли восита ёрдам беради. Бунинг учун 1 чой қошиқ майдаланган қизил қалампирни 500 грамм ўсимлик ёғи ва 200 грамм асал билан аралаштиринг. Аралашма тугагунча кунига 4-5 маҳал 1 ош қошиқдан истеъмол қилиб туринг. Муолажани камида уч ойлик танаффуслар билан такрорлаб туриш мумкин.

## ЗИРАВОРЛАРНИНГ ФОЙДАСИНИ ЙЎҚОТМАСЛИК УЧУН

Биринчидан, ҳар бир уй бекаси зираворлар таомларнинг таъмини бузиш учун эмас, балки уларни хушхўр ва мазали қилиш учун қўшилишини унутмаслиги лозим. Бунинг учун қандай таомларга қайси турдаги зираворлар ва қанча миқдорда қўшилишини билиш керак. Албатта, зираворларни қопқоғи маҳкамлаб ёпиладиган махсус идишчаларда сақлаш лозим. Шунда, улар фойдалилик ва хушбўйлик хусусиятини узоқ вақт йўқотмайди. Қолаверса, уларга бошқа ҳидлар сингиб қолишидан сақлайди.

Зираворлар таркибида турли витаминлар ва минерал моддалар кўплиги боис уларни, айниқса, намлик юқори бўладиган, тумов ва грипп тез-тез безовта қилиб турадиган, тананинг қуввати сусаядиган қиш ва эрта баҳор ойларида кўпроқ истеъмол қилиш жуда муҳим.

Зираворларни таомга қўшиш тартиби қуйидагича: йирик зираворлар олдинроқ, майдаланганлари эса овқат тайёр бўлиши арафасида солинади. Жумладан, дафна барглари, долчин бўлакчалари овқат пиширишнинг бошланиш жараёнида, қора мурч доначалари, яшил кардамон кабилар ўртароғида, барча талқон шаклидаги зираворлар эса таомни оловдан олишдан 1-2 дақиқа олдин қўшилса, уларнинг фойдаси янада юқори бўлади.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# БОШ ОҒРИГАНДА...

**Умрида боши оғримаган кишини учратиш қийин. Бош оғриғи келиб чиқишининг сабаблари кўп. Улардан энг кўп тарқалгани қон босими боис бош оғриши, мигрень ва спазма ҳолатидир.**




### ҚОН БОСИМИ БОИС...

Артериал қон босими ошганда ҳам оғриқ қўзғалади. Мабодо сиз қон босими касаллигидан азият чекмасангиз ҳам бош оғриғи пайдо бўлиши мумкин. Маълумки бу хасталикнинг келиб чиқишига толиқиш, зўриқиш, ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши ҳам сабаб бўлади. Қон босими ошганда кўпинча беҳоллик, бош айланиши ва қулоқ шанғиллаши кузатилади.

### ЎЗИНГИЗГА ЁРДАМ БЕРИНГ

Баъзан хуружни камайтириш учун дори-дармон ичиш шарт эмас. Табиий усуллар билан бош оғриғини тўхтатиш мумкин. Бунинг учун, 1 стакан лавлаги шарбатига 1 стакан асал қўшиб ичиш кифоя қилади. Бу аралашма овқатдан олдин, кунига 3-4 маҳал ичилади. Ёки сабзи, турп ва асал аралаштирилса ҳам бўлади. Бу воситалар нафақат қон босимини туширади, балки ушбу хасталикнинг олдини ҳам олади.

Шунингдек, 20 дона янчилган ўрик мағизи, 200 грамм майдаланган ёнғоқ мағизи, 200 грамм асал ва уч дона лимон шарбати аралаштирилиб, бўтқа ҳолига келтирилади. Бу аралашма музлаткичда сақланиб, кунига 3 маҳал, 1 ош қошиқдан истеъмол қилинади.

Шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар ҳам қон босимини



пасайтиради. Бундай гиёҳли дамлама тайёрлаш учун 1 қисм дўлана, 2 қисм ялпизни аралаштириб, 2 ош қошиғини олинг-да, устига 500 грамм қайноқ сув қуйгач, паст оловда 10 дақиқа қайнатиб олинг. Сўнг 30 дақиқа дамлаб қўйилади. Сузиб олиб кунига 3 маҳал, овқатдан олдин 1/3 стакандан ичинг.

Қон босими ошганда 20 дона ўрик данаги, 200 грамм янчилган ёнғоқ, уч дона лимон шарбати ва 200 грамм асал олинади. Буларнинг ҳаммаси яхшилаб аралаштирилади. Ҳар куни овқатдан олдин 3 маҳал, истеъмол қилинади. Бу аралашмани музлаткичда сақласа бўлади.

Қон босимини қуйидаги дамлама ёрдамида меъёрида тутиб туриш мумкин.

Бунинг учун учун 2 бош саримсоқпиёз тозаланиб, янчилади. Устига 250 мл. ароқ қуйилиб, қоронғи жойда 12 кун сақланади. Саримсоқпиёз ҳидини йўқотиш учун унга ялпиз баргларини қўшиш мумкин. Саримсоқпиёзли аралашма кунига 2-3 маҳал, 20 томчидан, овқатдан 15 дақиқа олдин ичилади.

### МИГРЕНЬ

Ушбу касалликда бошнинг бир томонида лўқиллаб турувчи оғриқ бошланади. Мигрень кўпинча уйқусизлик, кўнгил айниши, шовқин, ҳид ва ёрқин нур ёқмаслиги билан бирга кечади. Бундай беморлар уйқусираб, ланж бўлиб, кўриш қобилияти йўқолиши, кўз олдидан қорануқталар ўта бошлаши мумкин. Ушбу касалликка чалинган беморларда кўпинча мигрен хуружи бошланишидан олдин ғалати очлик ҳисси пайдо бўлади.

Шунингдек, бирорта маҳсулот айниқса, шоколад ейишдек истак пайдо бўлади. Оғриқ пешона, кўз остидан бошланади. Сўнг чаккага ўтиб, шундан кейин бошнинг ярмига ёйилади. Мигрень хуружининг бошланишига уйқусизлик, ҳаяжон ва баъзан парҳезни бузиш сабаб бўлади.

Хуруж бошланганда дарҳол ўринга ётинг. Бошингизни сочиқ билан қаттиқ боғлаб, танангизни бўшаштиринг. Ёркин нур кўзингизга тушмаслиги учун дераза пардаларини тушириб, хонани қоронғилатинг. Ушбу хуружни даволаш учун бўйин ва курак ўртасига хантал (горчичник), қўйилади.Оёқларни 5-10 дақиқа иссиқ сувга тиқиб ўтириш тавсия этилади.Таъсир кучи ошиши учун эса сувга озроқ қуруқ хантал солиб юбориш мумкин.

Шунингдек, мигренда совуқ компресслар ҳам катта ёрдам беради. Сочиқни тўрт буклаб, озроқ туз ва муз



солинган сувга ботириб оласиз. Ҳар 2-3 дақиқа давомида то оғриқ пасайгунча сочиқни алмаштириб бошга босиб турасиз. Бош оғриғини қуйидаги аралашма ҳам тузатади. 20 грамм беда гули устига 0,5 литр ароқ қуйилиб, 10 кун давомида сақланади. Бу аралашма кунига 2 маҳал, 1 ош қошиқдан ичилади.

Баъзан бош оғриғини тузатиш учун қизил лавлаги шарбатига озроқ пахтани ботириб, қулоққа тиқиб қўйишади. Бу муолажа ҳам оғриқни қолдирувчи воситалардан биридир.

Мойчечак дамламаси фойдали. Бунинг учун мойчечак гулидан 1 ош қошиғи олиниб, устига 1 стакан қайноқ сув қуйилгач, 5 дақиқа қайнатиб олинади. 20 дақиқа дамлаб қўйилгач, сузиб олиб овқатдан кейин 2 соат ўтгач ичилади.

### ОҒРИҚ САБАБИ...

Бош оғриғи, бўйин мушаклари ва бел оғриғи ваҳима, қаттиқ изтиробга тушиш, зўриқиш, жисмоний толиқиш, ҳолатни ўзгартирмасдан узоқ вақт давомида ишлаб ўтириш оқибатида келиб чиқади.

Бош худди икки томонлама сиқилгандек оғрийди. Гўё бошни кимдир темир ғилдирак билан янчаётгандек туюлади. Сочлар таралганда, бош кийим ечилганда бош зирқираб кетади. Оғриқ тунда ҳам тўхтамай, уйқусизликка олиб келади.

Хўш, шундай экан, ҳар бир киши ўзича оғриқни тўхтатиши мумкинми? Бунинг учун биринчи навбатда киши ўзини бўшаштириб, тинчлантирувчи гиёҳлар шарбатидан ичиши лозим. 1 ош қошиқ майдаланган валериана илдизи устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, 12 соат дамлаб қўйилади.Бу дамлама 1 ош қошиқдан, кунига 3-4 маҳалдан ичилади.

Шунингдек, шивит дамламаси ҳам оғриқни тез қолдиради. 1 ош қошиқ майдаланган шивит устига 1, 5 стакан қайноқ сув қуйилади. Бу аралашма кун давомида ичилади.

Бош оғриганда тенг миқдорда лавр ва олча барглари солинган хушбўй ёстиқда ухлаш ҳам фойдали. Бундай хушбўй ёстиқда бир ҳафтада икки марта ухлаш тавсия этилади. Мушакларни бўшаштириш, вақти-вақти билан жисмоний машқлар бажариб туриш орқали ҳам бош оғриғини қолдириш мумкин.

Масалан, бош оғриганда чакка, пешонани бармоқлар билан уқаланг-да, тинч ва бир текисда нафас олинг.

Нафас олаётиб учгача санаНг, бироз нафасингизни тутиб туринг. Нафас чиқараётиб эса яна учгача санАнг. Кўзларингизни шундай юмингки, уларнинг атрофи ва чаккангиздаги мушаклар зўриқсин.Сўнг кўзларингизни бўш қўйиб, бошингизни аввал ўнг томонга, сўнг чап томонга аста-секин буринг. Бўйин томирларингиз зўриққунча бу машқни бажаринг.

Қўлларингизни елка кенглигида юқорига кўтариб, бармоқларингизни кенг очиб, бирданига қаттиқ сиқинг. Ушбу машқларни секин ва енгил ҳаракатлар билан бажаринг. Машқларни бир неча марта бажаргангизгиздан сўнг бошингиздаги оғриқ тўхтаганини ҳис этасиз.

### МАСЛАҲАТЛАР

✔ **Бош оғриғини қолдириш учун** бошингизни икки қўлингиз билан сиқиб уқаланг-да, қоронғи жойда кўзларингизни юмган ҳолда бироз ётинг.

✔ **Куюқ қилиб дамланган кўк ёки қора чойга** озгина қуритилган ялпиз солиб ичинг. Бир пиёла хушбўй чойдан сўнг бош оғриғингиз тақҳа тўхтайди.

✔ **Пешона ва чаккангизга** иккига бўлинган алоэ баргини босиб, ярим соат ётсангиз оғриқни қолдиради.

✔ **Бош қаттиқ оғриганда** пешона ва чаккаларингизга саримсоқпиёз бўлагини ишқаланг.

✔ **Хом картошка бўлакларини** докага қўйиб,пешонага босилса ҳам фойда беради.

✔ **Пўсти билан пиширилган картошкани** пешона ва чаккаларга қўйиб компресс қилинг. Бундай муолажа пешона ва бурун шамоллаши оқибатида келиб чиқадиган бош оғриғининг олдини олади.

✔ **Хом картошканинг янги сиқиб олинган** шарбатидан кунига 3 маҳал, овқатдан олдин 0,25 стакандан ичсангиз бошингиз умуман оғримайди. Ушбу муолажани 7-10 кун давом эттириш мумкин.



✔ **Бош ҳаддан ташқари қаттиқ оғриганда** шифокорлар 1 кунлик картошка парҳезини тавсия этишади. Яъни, 1 килограмм картошка тозаланиб, тузсиз, сувда қайнатилади. Сўнг бу картошкага озроқ шакар сепиб, кун бўйи еилади. Сув ичмасдан, эрталабгача чидасангиз, оғриқдан фориғ бўласиз.

✔ **1 ош қошиқ далачой** (зверобой) гиёҳи устига 1 стакан қайноқ сув қуйиб, 15 дақиқа қайнатасиз. Сузиб олингач, кунига 3 маҳал, 0,25 стакандан ичасиз.

✔ **1 ош қошиқ лимонўт** (душица) 0,5 литр қайноқ сув қуйиб, паст оловда 30 дақиқа қайнатилади. Сузиб олгач, 0,5 -1 стакандан кунига 2-3 маҳал ичилади.

✔ **1 ош қошиқ шивит уруғи устига** 1,5 стакан қайноқ сув қуйиб дамлаб қўясиз. Бу дамламани кун давомида ичсангиз бошдаги оғриқни тўхтатади.

✔ **1 чой қошиқ эрмон барглари** устига 1 стакан қайноқ сув қуйилади. Сўнг 3-4 соат дамлаб қўйгач кунига 3 маҳал, 0,3 стакандан истеъмол қиласиз.

✔ **1 ош қошиқ беда гули** устига 1 ош қошиқ қайноқ сув қуйиб, 30 дақиқа дамлаб қўясиз. Кунига 3 маҳал, 0,5 стакандан ичасиз.

**ДИЛБАР ва БАСИРА тайёрлади.**




**537** **Ёшим 39 да.** Ажрашганман. Тошкентликман. Ўзимнинг уйимда, икки қизим билан яшайман. Орасталикни ёқтираман. Ишлайман. 48 ёшгача бўлган, (қаердан бўлишининг фарқи йўқ), ўзининг уй-жойи бўлган, қизларимга оталик меҳрини бера оладиган, жиддий эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Гўзал**

**538** **Ёшим 50 да.** Тошкент вилоятиданман. Ишлайман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Уйдаги озодалик ва шинамликни ёқтираман. 57 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳрида яшайдиган, ўзининг уй-жойи бўлган, диёнатли, оқ кўнгил эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Зухрахон**

**539** **Ёшим 32 да.** Ажрашганман. Касбим ҳамшира. Нуфузли касалхоналардан бирида ишлайман. Икки нафар фарзандим билан ота-онамнинг уйида яшайман. Асли тошкентликман. 40 ёшгача бўлган, ишлайдиган ёки касб-ҳунарга эга бўлган, уй-жойли, мустақил, жиддий эркак билан танишиб оила қуриш ниятидаман.
**Манзилим таҳририяитда.**
**Раъно**

**540** **Ёшим 25 да.** Асли тошкентликман. Ҳали турмушга чиқмаганман. Ҳамшира бўлиб ишлайман. Ота-онам билан яшайман. Бадавлат, баобрў оиланинг фарзандиман. 30 ёшгача бўлган, тошкентда яшайдиган, яхши оиланинг фарзанди бўлган, ишлайдиган, жиддий, уйланмаган йигит бўлса турмушга чиқиб, оила қурган бўлардим.
**Манзилим таҳририятда.**
**Камола.**

**541** **Ёшим 37 да.** Асли сурхондарёликман. Ажрашганман. Маълумотим олий. Ижодкорман. Кўркам, жиддий эркакман. 30 ёшгача бўлган,қаердан бўлса ҳам Тошкентда яшайдиган, ажрашган, уй-жойи бўлган, кўнглимни тушуна оладиган, нозик таъбли аёл бўлса танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Акмал**

**542** **Ёшим 36 да.** Тошкентликман. Болалар шифокори бўлиб ишлайман. Маълумотим олий. Уятчан ва тортинчоқлигим боис ҳалигача турмуш қура олмадим. 40 ёшгача бўлган, диёнатли, ичмайдиган, чекмайдиган, оиласини ва аёлини қадрлай оладиган, кўркам, меҳрибон эркак билан танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Муножотхон**

**543** **Ёшим 36 да.** Ажрашганман. Бир фарзандим бор. Онам билан яшайман. Ишлайман. Уйим-жойим дейдиган, пазанда ва меҳрибон аёлман. 45 ёшгача бўлган, уй-жойли, тошкентлик. Ишлайдиган, ўзининг уй-жойи бўлиб, оилани моддий таъминлай оладиган эркак билан турмуш қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Мадина**

**544** **Ёшим 27 да.** Олий маълумотлиман. Бўйим 170 см. Ишлайман. Ҳаётга жиддий қарайман. Асли Тошкентликман. 35-36 ёшгача бўлган, олий маълумотли, яхши оиланинг фарзанди бўлган, ишлайдиган, ўзининг уй-жойи бўлган, жиддий, меҳрибон, уйим-жойим дейдиган йигит бўлса, турмушга чиқмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Шаҳноза**

**545** **Ёшим 45 да.** Асли водийликман. Келишган, кўркам аёлман. Ўз ҳовлимда яшайман. Моддий томондан таъминланганман. 50 ёшгача бўлган, моддий таъминланган, ўзининг уй-жойи бўлган, яхши хулқли, жиддий эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Малика**

**546** **Ёшим 36да.** Турмуш ўртоғим вафот этган. Икки нафар фарзандим бор. Ишлайман. Уй-жойим бор. Келишган аёлман. 45 ёшгача бўлган, оилани моддий таъминлай оладиган, ишлайдиган ёки ҳунарли, оқил бир эркак билан турмуш қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Дилбарой**

**547** **Ёшим 50 да.** Олий маълумотлиман. Оҳангаронда ўзимнинг уйим бор. Ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ёлғиз яшайман. 40 ёшгача бўлган, (қайси вилоятдан бўлса ҳам майли), ажрашган, фарзандларидан қутулган ёки ёлғиз аёл билан танишиб, оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Зафар**

**548** **50 ёшдаман.** Ишлайман. Ажрашганман. Болаларим ташвишидан қутулганман. 35-40 ёшгача бўлган, (бир қизчаси бўлса майли), фарзанд кўриши мумкин бўлган, қайси вилоятда яшашидан қатъий назар, меҳрибон аёлга уйланиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Носир**

## «ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам таҳририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва куёвларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.**

# ТАНИШСАК, ОИЛА ҚУРСАК...

**549** Дилим тўла дарду ҳасрат... Аммо, қани энди биров аҳволимни тушунса?.. Яхшиям шу газета бор экан, анча дардимни аритади. Дард бир сенда бормикан?-деб ўйларсиз.

Бўлса ҳам, ҳеч ким мендек кўнглини тиғлаб қолмагандир?

Ёзиш учун неча марта қўлимга қалам олдим. Лекин истиҳола қилардим. Мана, ёлғизгина, ишонганим болам мени ташлаб ўз туққан онасининг олдига кетиб қолди. Мен ўша боламни 29 ёшимда олиб, бир парча гўштлигидан, бир ойлик чақалоқлигидан бошлаб, кўкрак сути бермаган бўлсам ҳам илик сутим билан катта қилгандим. Унга ҳам ўғлим, ҳам қизим деб суянгандим. Кейин билсам у аллақачон ўз ота-онасини топиб олиб, хуфиёна учрашиб юрар экан. 23 ёшга тўлганида кетиб қолди. Мен ёлғиз қолавердим.

Қизимга меҳр қўйганимдан, уни жонимдан ортиқ суйганимдан унинг ўз болам эмаслигини ҳам унутиб қўйган эканман.Ундан бундай бағритошликни сира кутмагандим. Кетганидан сўнг на менга хат ёзди, на бир хабар олди... Эҳтимол у мендан нафратланар, лекин мен қизимни соғинишдан ва ёлғизликдан толиқиб кетдим. Эшитишимга қараганда турмушга чиқибди, ҳатто, фарзанд ҳам кўрганмиш... Аммо, бир оғиз тўйларига ҳам таклиф қилгани йўқ.

Нима қилай, ўзим бахтсиз бўлсам-да, унга бахт тиладим. Илоё, қўшгани билан қўша қарисин, - дея дуо қилдим. Ҳаётнинг бу зарбасидан эзилдим. Оналик, аёллик қадрим ерга урилди. **52 ёшда** бундай хўрликларга чидашим қийин бўлаяпти. Ҳар қалай ёмон она эмасдим. Озода, пазанда, нозик дидли, олий маълумотли аёлман. Қизимга ҳам шуларни сингдириб ўстиргандим. Агар ўғил болани асраб олганимда, эҳтимол, у мени ташлаб кетмас, келин олиб, набиралар кўрган бўлармидим?

Ёлғиз эркаклар бордир? Кексайганимда кўз ёшимни оқизмайдиган, балки аёли вафот этган, болалари онасизликдан қийналган, ўзимдек кўнглимни тушунадиган инсон бўлса, турмушга чиқсам дейман. Зора, ўзга оила ташвишлари билан бўлиб, кўнглимдаги дардларимдан фориғ бўлсам...

**Нигор**

* * *

**550** **Ёшим 47 да.** Шифокорман. Самарқандда яшайман. Умид билан қурган оилам фарзандсизлик туфайли барбод бўлди. Барча аёлларга насиб этган оналик бахти менга насиб этамади. Фарзандларим, набираларим бўлишини жуда ҳам истардим. Аммо бандасининг эмас, балки Оллоҳнинг айтгани бўлар экан. Орзуларим саробга айланди. Кўнглимни тушунадиган бир инсон бўлсаю унинг болаларига оналик қилиб, рўзғорини обод қилсам, дейман...

Уй-рўзғордаги барча ишлари жойига қўядиган, ораста аёлман. Уй-жойим, яхшигина ишим ҳам бор, аммо бахт йўқ. Аёл киши елкасига ортилган оғир юкни кўтариши мумкин экану, лекин ёлғизликдек оғир юкни кўтаришга ожизлик қилар экан. Файзли оила қуриб, фарзандлар тарбияси билан шуғулланишга зор бўлдим. Агар мендек инсонлар бўлса танишиб, оила қурган бўлардим...

**Зебо**

* * *

**551** **Ёшим 37 да.** Исмим Султон. Сурхондарёликман. Тақдир экан, илк қурган оилам билан қўша қариш насиб этмади. Тўрт йил яшадик холос. Аёлим билан ажрашиб, иккимиз икки томонга кетдик. Икки фарзандимиз бор эди, шуларга ачинаман.

**- Болаларингиз бор экан, ажрашишингиз шартмиди?**

- Оиланинг бузилишига кўпинча эркаклар сабаб бўлади, дейишади. Лекин бизда бундай бўлмаганди. Оилам бузилишини сира истамагандим. Аёлим уйдан кетиб, судга ажрашиш учун ариза бергач, мен ҳам мағрурлик қилдимми, рози бўлдим.

**- Сабаби жиддиймиди?**

- Ҳа, лекин уни сизга айта олмайман.Орадан ўн йил ўтди. Ўтган гапларни қўзғатишдан фойда йўқ. Ҳар қалай, фарзандларим бор-да, улар эшитишса мендан хафа бўлишади.

**- Ҳозир қаерда ишлаяпсиз?**

- Бир нуфузли ташкилот билан гаплашиб келганман. Бугун иш масаласи ҳал бўлади. Оилам йўқлиги учун ҳеч нарсага қизиқмагандим. Қарасам ёшим ўтиб бораяпти...Онам ҳам уйланишимни, оила қуришимни истаб, куйинади. Ўзимга ҳам ноқулай бўлади. Чунки мендан кичикларнинг уй-рўзғори тинч, болалари аллақачон бўй етаяпти. Мен ҳам бир оқила аёл билан танишиб, ширингина оила қуришни орзу қиламан.

Эҳтимол яна ҳаётим изга тушиб кетар, сиз нима дейсиз?

***

***Юқоридаги қаҳрамонларимиз билан танишиб, оила қурмоқчи бўлганлар учун улар манзили таҳририятда.***

**БАСИРА тайёрлади**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти - 20:00.
Босишга топширилди - 21:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10968
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Н. ИМОМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5